Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 116 (5707).
22 МАЙ 1985 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН



Ҳиндистон Бош министри Р. Ганди совет раҳбарларининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан 21 май куни Москвага келди.

Аэродромда унн КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР маданият министри П. Н. Демичев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Автомашиналар кортежи аэродромдан мотоциклчилардан иборат фахрий эскорт ҳамроҳлигида Кремлга йўл олади.

* * *

Кремлда, Катта Кремль саройи ёнидаги майдонда Р. Гандини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев кутиб олди.

Кремлдаги кутиб олиш маросимида Н. А. Тихонов, А. А. Громико, П. Н. Демичев, С. Л. Соколов, И. В. Архипов, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

Суратда: Кремлда кутиб олиш пайти.
ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

21 май куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар қардош партиялари Марказий Комитетлари экономика масалалари билан шуғулланувчи секретарлари кенгашининг қатнашчиларини қабул қилди.

Учрашувда БКП Марказий Комитетининг секретари Э. Христов; БКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, БХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, БХРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакили А. Луканов; ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСИП Марказий Комитетининг секретари Ф. Хаваши; ВКП Марказий Комитетининг секретари Нгуен Лам; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари Г. Миттаг; Куба Компартияси Марказий Комитети секретариатининг аъзоси Л. Сото; МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХРП Марказий Комитети секретари Д. Моломжамц, МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХРП Марказий Комитетининг секретари Д. Гомбожав; ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПБИП Марказий Комитетининг секретари К. Барчиковский; РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, РКП Марказий Комитетининг секретари И. Вердец, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, РСР ҳукумати Бош министрининг ўринбосари, РСРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакили И. Тоту; ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧКП Марказий Комитети секретари М. Якеш иштирок этдилар.

Совет томонидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков қатнашдилар.

М. С. Горбачев ўз нутқида кенгаш ишини юқори баҳолади, қардош партиялар Марказий Комитетлари экономика масалалари билан шуғулланувчи секретарларни учрашувининг катта аҳамиятини уқтириб ўтди. У 1984 йилда Москвада олий даражада бўлиб ўтган Иқтисодий кенгаш қарорларини амалга оширишга муҳимлигини таъкидлади. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг социал ва хўжалик муваффақиятларига эътибор қаратилди. Шу билан бирга ҳозирги оширилган талаблар ва чигаллашган халқаро вазият муносабати билан социалистик иқтисодий интеграция резервларидан янада чуқур фойдаланиш зарурлиги уқтирилди. Фан-техника тараққиётини ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқариш кооперацияси ва ихтисослашувини чуқурлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатлари ўзларининг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, меҳнаткашларнинг фаровонлигини анча ошириш учун зарур нарсаларнинг ҳаммасига эга эканликлари қайд этилди.

М. С. Горбачев Совет Иттифоқининг социал-иқтисодий тараққиёти йўллари тўғрисидаги баъзи мулоҳазаларини айтиб ўтди. КПСС Марказий Комитети сўнгги Пленумлари қарорларининг мақсади ва маъносини тушунтириб берди, партия XXVII съездига қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида гапирди.

Ҳозир бўлганлар номидан ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари Г. Миттаг жавоб нутқи сўзлади. У дилкаш суҳбат учун КПСС Марказий Комитетига ва шахсан М. С. Горбачевга миннатдорчилик билдирди. Марказий Комитет секретарларининг кенгашидан мамнуният изҳор этди.

М. С. Горбачевнинг қардош партиялар Марказий Комитетларининг секретарлари билан учрашуви самимий, дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ҚАРШИ КУРАШ — ҲАММАНИНГ ВА ҲАР БИРИМИЗНИНГ ИШИМИЗ

Ичкиликбозликка қарши курашни активлаштириш, давлат ва хўжалик органлари, партия ва жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективларининг ана шу хавфли социал иллатни тугатишга қаратилган куч-ғайратларини мувофиқлаштириш масалалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда муҳокама қилинди. Кенгашда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг масъул ходимлари, республика министрликлари ва идораларининг, ижодий союзлари ва ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори барча партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларидан, хўжалик раҳбарларидан алкоголизмга қарши курашни кучайтиришга қаратилган тадбирларнинг кенг комплексини дарҳол ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб қилмоқда, деб таъкидланди кенгашда. Бу қураш ҳамма жойда, ҳар бир меҳнат коллективида ичкиликбозликка, интизом ва тартибни ҳар қандай бузишларга тоқат қилинмайдиган вазиятни вужудга келтириб, чинакам оммавий, умумхалқ қураши тусини олишига эришиш керак.

Кишиларнинг ишга маст бўлиб келиши халқ хўжалигимиз учун қанчалик қимматга тушаётганлиги маълум. Бу брак маҳсулот ишлаб чиқаришга, умуман интизомнинг бўшашиб кетишига олиб келмоқда, назоратсизлик вазиятини вужудга келтирмоқда, бошқа салбий ҳодисаларни келтириб чиқармоқда. Министрдан тортиб бригадиргача —раҳбарларнинг ичкиликбозликда иштирок этишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Бу социал иллатга қарши кураш ишида ана шундай фактларга либералларча, эътиборсизлик билан муносабатда бўлишга йўл қўйилмаслиги керак, деб таъкидланди кенгашда.

Ичкиликсиз турмуш тарзи учун курашда олдинги сафда боришга даъват этилган коммунистлар, комсомол активлари зиммасига алоҳида масъулият тушади. Ҳолбуки, уларнинг ўзлари ичкиликбозликда қатнашаётган, ичкиликбозликнинг ташкилотчилари бўлиб чиқаётган ҳоллар ҳам юз бермоқда. Бундай фактларнинг қатъий олдини олиш, айбдорларни КПСС ва ВЛКСМ сафидан чиқаришга қадар қаттиқ жазолаш керак.

Алкоголли ичимликлар ишлаб чиқаришда ҳам тегишли тартиб ўрнатиш лозим. Ҳозирга қадар кўрилган чора-тадбирларга қарамай, алкоголли ичимликлар ишлаб чиқариш камайиш ўрнига кўпайиб бормоқда. Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги ликер-арақ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни камайтириб, шарбат, жем, бошқа витаминли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун ўз қароморгидаги корхоналар ишини яқин вақт ичида қайта қуриши зарур.

Тармоқ манфаатларини кўзлаб, кучли ичимликлар билан савдо қилиш тартибини кўпинча бузаётган савдо корхоналари шаънига жиддий эътирозлар айтилди. Саноат корхоналари ва қурилишлар, ўқув юртлари ҳамда меҳнаткашлар маданий дам оладиган жойларда алкоголли ичимликларнинг ҳамма турларини сотишни тўхтатиш керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан сўнг республикада вазият соғломлашиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилди. Салбий ҳодисаларни бартараф этиш, олға томон ҳаракатимизга тўсқинлик қилаётган, турмушимиз тарзига зид бўлган ҳамма нарсаларга, жумладан, ичкиликбозликка қарши муросасизлик билан кураш олиб бориш йўли бундан буён ҳам оғишмай амалга оширилаверади.

Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни активлаштириш билан бирга куч-ғайратни аҳолининг, биринчи навбатда ёшларнинг бўш вақтини фойдали ўтказишини ташкил этишга қаратиш, барча спорт иншоотлари, маданият уйлари, клублар бўш турмасдан ўз олдига қўйилган мақсад йўлида хизмат қилишига, кишилар ўзларининг ижодий имкониятларини тўла намоён қила оладиган жойга, алкоголизмга қарши активпропаганда олиб бориладиган жойга айланишига эришиш керак.

Идеология муассасалари, оммавий ахборот ва пропаганда воситалари органлари олдида катта вазифалар турибди. Уларнинг вазифаси — ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашда, меҳнат интизомини, жамоат тартибини бузиш фактларига нисбатан муросасозлик муносабатлари кўринишларига қарши курашда ҳамма воситалар ва методлардан фойдаланишдан, алкоголнинг, айниқса, ёшлар ва аёлларга фожиали таъсирини кўрсатиб беришдан иборат.

Кенгашда ичкиликбозлик ва алкоголизмни тугатишга қаратилган чоралар кенг маъқулланиб, қўллаб-қувватланаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу чораларни амалга ошириш ҳамманинг ва ҳар бир кишининг ишига айланиб қолишига эришмоқ керак. Ҳушёрлик ҳаётимиз нормасига айланиб қолсин.

(ЎзТАГ).

— тонгги — газеталарда

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев савдо масалалари билан шуғулланувчи Совет-Америка ҳукуматлараро комиссиянинг сессиясида қатнашиш учун АҚШ делегациясига бошчилик қилиб Москвага келган АҚШ савдо министри М. Болдриджни 20 май куни Кремлда қабул қилди ва у билан суҳбатлашди.

* * *

Кеча Оқолтин районидаги «Фарғона» совхозида бўлиб ўтган қишлоқ хўжалик ходимлари кенгашида Тошкент, Сирдарё ва Жиззах областлари қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. А. Айтмуротов учала областда деҳқончилик ва чорвачиликдаги ишларнинг аҳволи ҳақида ахборот берди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, Б. Р. Раҳимов қатнашдилар.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги республика партия-хўжалик активи мактабида 21 май куни навбатдаги машғулот бўлди. «КПССнинг аграр сиёсати. Аграр сектор самарадорлигини ошириш йўллари ва резервлари» мавзуида В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг президенти, ВАСХНИЛ академиги А. А. Никонов лекция ўқиди.

КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ АПРЕЛЬ (1985 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ЯКУНЛАРИ ВА ШАҲАР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ КПСС XXVII СЪЕЗДИГА ҲАМДА ШАҲАР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА НАВБАТДАГИ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КАМПАНИЯСИГА ТАЙЁРГАРЛИК ЮЗАСИДАН ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг XI пленумидан

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг XI пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1985 йил 20 майда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг XI пленуми бўлиб ўтди. Пленум «КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми якунлари ва КПСС XXVII съездига ва навбатдаги шаҳар партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов кампаниясига тайёргарлик бўйича вазифалар тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров муҳокамага қўйилган масала юзасидан доклад қилди. Музокараларда Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари Ш. М. Хожимуротов, Октябрь район партия комитетининг иккинчи секретари А. Е. Викторов, «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Қ. Қобулов, «Миконд» заводи партия комитети секретарининг ўринбосари А. И. Шевченко, «Ташпромстрой» қурилиш-монтаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори М. Н. Абдуллаев, абразив комбинатининг мастери В. Н. Гречко, 2-автопарк ҳайдовчиси И. А. Азаматов сўзга чиқдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилинди.

Пленум, шунингдек XXV Тошкент шаҳар партия конференциясини чақириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. XXV Тошкент шаҳар партия конференциясини 1985 йил 14 декабрда чақиришга қарор қилинди. Конференциянинг кун тартиби тасдиқланди. Вакиллик нормаси — КПССнинг 160 аъзосидан 1 делегат қилиб белгиланди, делегатларни сайлаш тартиби, шаҳар партия ташкилотларида навбатдаги ҳисобот-сайлов кампаниясини ўтказиш муддатлари белгиланди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг апрель Пленуми КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг докладини тинглаб ва муҳокама этиб, деди ўз докладида У. У. Умаров, — съезднинг кун тартибини тасдиқлади, делегатлар сайлаш тартибини, вакиллик нормаси, партиянинг барча звеноларида ҳисобот-сайлов кампаниясини ўтказиш муддатларини белгилади.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Пленумда қилган докладида мамлакат эришган ютуқлар кўрсатиб ўтилди, камчилик ва нуқсонлар очиб ташланди, партия ва халқнинг стратегик вазифалари белгилаб берилди, иқтисодий ва социал ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар белгиланди. Пленум қарорлари, докладда баён этилган қоида ва хулосалар ҳар бир коммунист, бутун партия учун КПСС XXVII съездига тайёргарлик ва узоқ истиқбол давридаги конкрет ҳаракат программаси ҳисобланади.

Снёсий, иқтисодий, ташкилотчилик, ғоявий-тарбиявий ишларнинг ҳозирги аҳволини ана шу позициялардан туриб чуқур таҳлил этган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XX пленуми КПССнинг навбатдаги съезди очилиш кунигача қолган муддатда республикадаги ҳар бир партия ташкилотининг кенг ва конкрет программасини белгилаб берди.

Бугунги кунда Тошкентнинг юз мингдан знёд коммунистлар отряди барча ташкилотчилик ва снёсий ишларни партия XXVI съезди қарорларини, апрель Пленуми кўрсатмаларини бажаришга қаратмоқдалар.

Беш йилликнинг ўтган тўрт йили ичида саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати 122,9 процентни ташкил этди, бу беш йилликнинг директив топшириқларида кўзда тутилгандан 2,2 процент кўпдир. Бу давр ичида В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида кўпгина асосий буюмлар, янги герметик кабинали кудратли тракторлар, «Кедр» типидаги аниқ экиш электрон мосламали универсал сеялка, янги турдаги компрессор, халқаро мутахассислар тан берган пневмо-йигирув машинаси, кўплаб кенг истеъмол моллари яратилди ва ишлаб чиқарилмоқда.

Янги заводларда, шу жумладан, «Мотор» заводида ишлаб чиқариш қувватлари маҳсулот бера бошлади. «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмасида юқори сифатли кенг истеъмол моллари потоги яратилди.

Капитал қурилишда беш йилликнинг ўтган даврида 2,8 миллиард сўмликдан зиёдроқ асосий фондлар ишга туширилди, 3,6 миллион квадрат метрдан знёд турар жойлар, 42,3 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 13,3 минг ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари, кўплаб социал-маиший объектлар қурилди.

Транспорт ва алоқа, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқлари корхоналари, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ташкилотлари, шаҳар халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ишида муайян ютуқларга эришилди.

Шаҳар партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органларининг ўн биринчи беш йиллик вазифаларини бажаришга меҳнат коллективларини сафарбар этиш бўйича олиб борган ташкилотчилик ва снёсий ишларининг асосий якунлари ана шулардан иборат.

Шу билан бирга, апрель Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, бугунги кунда иқтисодий ривожлантиришнинг бош мезони ресурслардан жуда яхши фойдаланиш туфайли юксак пировард натижаларга эришишдир.

Тошкент халқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволини ана шу позициядан баҳолаб шуни таъкидлаш керакки, шаҳарда қудратли ишлаб чиқариш ва техника потенциали яратилди.

Мавжуд ишлаб чиқариш ва илмий-техника потенциалидан оқилона фойдаланиш масалалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида кескин қўйилган эди. Унда шаҳар партия комитети иқтисодий фаолиятнинг ана шу бош йўналишида партиявий раҳбарликда йўл қўйган жиддий камчилик ва нуқсонлар учун ҳаққоний танқид қилинган эди.

Мана, орадан салкам бир йил ўтди. Бугун қилинган ишларнинг баъзи якунларини кўриб чиқар эканмиз, шуни айтиш мумкинки, шаҳар халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларида муайян ижобий ўзгаришлар рўй берди.

Кўплаб корхоналарда коммунистларнинг активлиги, бошланғич партия ташкилотларининг талабчанлиги, раҳбарлар, мутахассислар, хўжалик кадрларининг масъулияти, ташаббускорлиги, ишлаб чиқариш ва жамоат ҳаёти масалаларини ҳал этишда меҳнат коллективларининг роли ошди.

В. П. Чкалов номидаги авиация (директори В. Н. Журавлёв, партия комитетининг секретари Б. Ю. Юсупов), «Тошкент трактор заводи» (И. Х. Мусин, Ҳ. Н. Шагиев) бирлашмалари, «Миконд» заводи (Н. Н. Тожиев, А. И. Шевченко), чинни заводи (А. А. Иброҳимов, Ш. А. Пўлатов), 11-«Висотстрой» тресги (П. Г. Саркисов, Н. П. Николаева), «Жилстрой», (О. Ё. Исҳоқов, А. В. Пак) трестлари, В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитени (Ш. Р. Шоабдураҳимов, А. К. Кривохижин) ва бошқалар бир маромда ишламоқдалар. «Узбексельмаш» бирлашмасида (Ў. Қ. Исмоилов, Ф. И. Мухамедхонова), «Ташсельмаш» заводида (Ҳ. Ҳ. Ғуломов, А. Н. Мақсудов), Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводида (М. З. Мартьянов, А. В. Барсуков) ишларни анча яхшилашга эришилди, планлар қатъий бажариладиган бўлиб қолди. Турар жойлар, мактаб, соцнал-маиший бошқа объектлар қуришда банд бўлган бинокорлар коллективлари бир маромда, анча сифатли ишлайдиган бўлиб қолишди.

Бу ва бошқа ижобий ўзгаришларни таъкидлаган ҳолда шу нарсани ҳам пайқамаслик мумкин эмаски, бу фақат дастлабки қадамлардир. 1985 йил ва умуман беш йилликни муваффақиятли якунлаш вазифалари ҳали кўпгина соҳалардаги мавжуд орқада қолишларга барҳам бериш бўйича янада фидокорона ишлашни талаб этади.

Ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида, деб таъкидлади докладчи, — шаҳар халқ хўжалигидаги камчилик ва нуқсонлар айниқса яққол кўзга ташланяпти. Энг аввало ўтган йилдан бошлаб ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръатларининг пасайиши жиддий ташвиш уйғотмоқда. Кейинги йилларда айниқса енгил, озиқ-овқат, маҳаллий саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигининг ўсиши сусайди.

Йилнинг биринчи квартали ва тўрт ойлик якунларнинг шаҳар ва район партия комитетлари бюроларида муҳокама этилиши натижалари шуни кўрсатдики, ишлаб чиқариш ҳажми бўйича планларни уддалай олмаётган корхоналар сони ҳамон ўсмоқда. Бугунги кунда улар сони 19 тага етди. Тўрт корхона меҳнат унумдорлигини ўстириш планларини уддалай олмаяпти. Тўққизта корхона эса бу кўрсаткични ўтган йилдагидан пасайтириб юборди.

Тўғри, ўтган қиш мавсумидаги мураккаб шароитларни ҳисобга олмасдан бўлмайди. Қишнинг қаттиқ келиши натижасида кўпгина корхоналарда иссиқлик ва газ таъминотида узилишлар рўй берди. Лекин гапнинг тўғрисини айтганда, умуман бир қатор коллективларда бу қийинчилик уюшқоқсизлик, лоқайдлик, баъзан эса айрим раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, партия комитетлари ва ташкилотларининг эса уларга нисбатан талабчанликни пасайтириб юборганлиги бу қийинчиликларни янада мураккаблаштирди.

«Ўтоқ» кондитер фабрикаси (директори А. М. Берлянц, партия ташкилоти секретари Л. Ф. Сорокалетов), тамаки фабрикаси (директори А. Ю. Маҳмудов, партия ташкилоти секретарининг ўринбосари Р. Е. Кондакова), «Ташхимсельмаш» заводи (директори В. К. Моксяков, партия ташкилоти секретари С. В. Данциc), енгил металл конструкциялар заводи (директор вазифасини бажарувчи А. В. Малявин, партия ташкилотининг секретари П. Л. Филатов) ва бошқа бир қатор корхоналар план топшириқларини ҳамон уддалай олишмаяпти.

Умуман меҳнат коллективларининг муқим ишлашларини таъминлаш, рўй берган оқсоқа қолишлар ўрнини тўлдириш юзасидан чоралар кўриб, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари 56 раҳбар коммунистнинг партиявий масъулиятини кўриб чиқди. Жумладан, бир қатор коммунист раҳбарларнинг қониқарсиз фаолиятига принципиал партиявий баҳо берилди.

Коммунист раҳбарларнинг масъулиятини ошириш юзасидан кўрилаётган чоралар, шак-шубҳасиз шаҳар саноатидаги аҳволни яхшилаш имконини беради. Айни пайтда шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, то сўнгги вақтгача Киров (Ш. Н. Маҳмудова), Ленин (Ю. А. Асепков), Ҳамза (Ф. Н. Нажмитдинов) ва бошқа район партия комитетлари шу хилдаги камчиликларга кутиб туриш нуқтаи назаридан муносабатда бўлдилар. Ваҳоланки, ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар вужудга келган аҳволни бирмунча эрта тузатиш имконини берган бўларди.

Шартнома интизомининг аҳволи ҳамон мураккаблигича қолмоқда. Буюртмалар бўйича маҳсулот етказиб бериш мажбуриятини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот реализация қилиш январь-апрель ойлари плани 97,7 процент бажарилди. Бу ўтган йил якунлари бўйича эришилган даражадан 0,7 процент кам. Ана шу кўрсаткич Киров, Собир Раҳимов, Фрунзе районларидаги корхоналарда сезиларли даражада пасайиб кетди.

Агарда шаҳар бўйича шартнома ва нарядлар бўйича 60 миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб берилган бўлса, ана шу кўрсаткичнинг ярмидан знёди ана шу уч районлар ҳиссасига тўғри келади.

Бундай аҳволнинг сабаби, ўйлаймизки, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари томонидан кўпгина раҳбар коммунистларга нисбатан талабчанлик сусайтириб юборилганида, давлат, план ва шартнома интизомига қатъий риоя қилинишни устидан етарли талабчанлик билдирилмаётганида.

Шартнома интизомини мустаҳкамлашда иқтисодий эксперимент имкониятларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Ҳозир Тошкентдаги 15 корхона ана шундай иқтисодий эксперимент шароитида ишлаяпти. Асбобсозлик, «Подъёмник», «Ташэлектромаш» заводлари, «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналарнинг партия ташкилотлари, коммунист раҳбарлари тажрибанинг ўтказилишига катта масъулият билан ёндошдилар. Ана шу корхоналарда эксперимент бир мақсадга қаратилган ташкилий ва ғоявий-тарбиявий ишлар билан мустаҳкамланган, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўрилган, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш-нинг мавжуд резервлари изчиллик билан изланмоқда, ва жорий этилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг XI пленумидан

КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ АПРЕЛЬ (1985 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ЯКУНЛАРИ ВА ШАҲАР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ КПСС XXVII СЪЕЗДИГА ҲАМДА ШАҲАР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА НАВБАТДАГИ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КАМПАНИЯСИГА ТАЙЁРГАРЛИК ЮЗАСИДАН ВАЗИФАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аммо ҳамма ерда ҳам аҳвол бу даражада эмас. Эксперимент товар маҳсулотининг ҳажми бўйича январь-апрель ойлари план топшириғи бажарилмаган агрегат (директори Р. М. Алимов, партия ташкилотининг секретари М. М. Мирпўлатов), «Ташхимсельмаш» заводларида сезиларли натижа келтирмаяпти. Бундан ташқари «Ташхимсельмаш» заводи экспериментнинг буюртма бўйича маҳсулот етказиб беришдек муҳим план кўрсаткичини атиги 89,9 процент бажарган. Бунинг ягона сабаби ана шу корхоналарда раҳбар коммунистлар, партия ташкилотлари эксперимент шароитида ишлашга юзаки муносабатда бўлганлар. Ленин ва Собир Раҳимов район партия комитетлари ҳам партиянинг иқтисодий сиёсатини ҳаётга жорий этиш устидан етарли назорат ўрнатмаганлар.

Докладда мана икки йилдан бери агрегат заводида реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш планлари барбод этилаётганлигига эътибор жалб этилди. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришни тезлаштириш учун курашнинг мана шу муҳим участкасида ҳам раҳбар коммунистлар ва партия ташкилотлари ночорлик ва сусткашлик кўрсатишмоқда.

Планлаштириш практикасининг ўзи ҳам тубдан такомиллаштиришга муҳтож. Айрим корхоналарда планларни асоссиз равишда камайтириш фактларига йўл қўйилиши давом этмоқда. Бундай ҳол билан мутлақо чиқишиб бўлмайди. Январь-апрель ойларида бундай ҳоллар химия-фармацевтика заводида (директори Э. Н. Шевченко), «Ташкентхлеб» бирлашмасида (директори А. А. Аюпов) ва бошқа корхоналарда кузатилди. Фақат каноп фабрикасининг ўзида (директори В. Т. Саатов) товар маҳсулотининг ҳажми бўйича 1985 йил плани қарийб 4 миллион сўмга камайтирилган. Фақат шунинг ўзи туфайли Тошкент шаҳри бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг йиллик ўсиши 0,1 процентга камайиши мумкин.

Бундай практикага қатъиян чек қўйиш лозим. Бундай ҳоллар партия йиғилишларида принципиаллик билан муҳокама қилиниши керак.

Саноат ишлаб чиқаришини интенсив иш формалари ва усулларига ўтказиш учун курашда ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг юксак унумли, ташаббускорлик кўрсатиб, ижодий меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш каби масалаларга эътиборни кучайтиришимиз керак. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Е. К. Лигачев Тошкент тўқимачилик комбинатига ташриф буюрганида ана шу масалаларга жиддий эътиборни жалб этган эди.

Шак-шубҳасиз ушбу корхонада муайян ўзгаришлар содир бўлди. Аммо аҳвол ҳамма ерда ҳам шу даражада эмас. Шаҳар партия комитетига «Таштекстильмаш», «Узбекхлопкомаш» бирлашмаларининг бош заводларида, «Ўртоқ» ва тамаки фабрикаларида, «Узавторемонт» бирлашмасининг қатор заводларида ва бошқа корхоналарда ишчилар ошхонасининг қониқарсиз ишлаётгани, уларда маиший хоналар йўқлиги ёки ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги ҳақида ҳаққоний эътирозлар ҳамон келиб турибди.

Буларнинг ҳаммаси коммунист раҳбарларга, партия ташкилотларига боғлиқ. Масалан «Узбексельмаш» бирлашмасида (Ў. Қ. Исмоилов) аҳволни тубдан ўзгартиришга муваффақ бўлишди-ку. Бу коллективда кўтаринкилик, ўз корхонаси шарафи учун жон куйдириш вазиятини вужудга келтирди, юқорида қайд этиб ўтилгандек, кўп йиллар давомида мунтазам қолоқлар сафида келган бирлашманинг қаторасига беш квартал мобайнида тармоқ корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиб чиқишига олиб келди, 1984 йил якунлари бўйича эса у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва республика комсомоли Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритди.

Қатор район партия комитетлари, уларнинг саноат бўлимлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва интенсивлаштириш билан етарли даражада шуғулланишмаяпти, бу соҳада чуқур билимга эга эмас, ўз атрофларига, партия ташкилотлари теварагига ташаббускор, ижодий фикрловчи ходимларни жалб этишмаяпти, техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкциялаш суръатларини янада тезлаштириш, оз куч ва ресурсларни сарфлаб яхши кўрсаткичларга эришиш масалаларидаги ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг тажрибаларини сусткашлик билан кенг ёйишмоқда.

Партия комитетлари эскирган иш формалари ва методларидан, хўжалик раҳбарларининг ишлари билан шуғулланишдан қатъиян халос бўлиш, бошланғич партия ташкилотларидаги аҳволни чуқур тушуниб етиш, уларга коммунистлар ташаббускорлиги ва активлигини ривожлантиришда, ўзаро талабчанлик вазиятини вужудга келтиришда доимий ёрдам бериш лозим.

Бугунги кунда, деб таъкидланади докладда, партия комитетлари ва ташкилотларининг бутун ташкилий ва сиёсий фаолиятини партия илгари сурган халқ хўжалигини қатъиян интенсив ривожланиш йўлига ўтишига эришиш, қисқа муддат ичида фан-техника тараққиётининг илғор позицияларига, меҳнат унумдорлигининг энг юқори даражасига чиқиш каби вазифаларнинг бажарилишига сафарбар этиш лозим.

Фан-техника тараққиётининг тармоқлараро комплекс программасини ишлаб чиқиш бўйича Москва ва Ленинград шаҳарларининг тажрибалари бу ишнинг муҳим таркибий қисми бўлиши керак.

Тўқимачилик комбинатида, «Ташхимсельмаш», резина-техника буюмлари, кўн-мўйна заводлари, «Промстройкомплект» бирлашмаси, озиқ-овқат саноатининг кўпгина корхоналарида олиб борилаётган, аммо ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг бутун проблемалари комплексини қамраб олмаётган паст реконструкция суръатлари билан бундан буён чиқишиб бўлмайди.

Реконструкциянинг бош маъноси шундан иборатки, у ишлаб чиқариш тубдан қайта ташкил этилишига, технология соҳасида чуқур сифат ўзгаришларига, меҳнат унумдорлигининг кўп маротаба ошишига олиб келиши лозим. Буни раҳбар коммунистлар, партия ташкилотлари, тегишли хўжалик органлари бир дақиқа ҳам ёддан чиқармасликлари керак.

Бу соҳада «Таштекстильмаш» заводининг намунаси ёрқин мисол бўла олади. Агарда бу ердаги 1941 йилдан бери реконструкция қилинмаган эски қуюв ишлаб чиқаришида 300 киши бир кеча-кундузда 20—25 тонна қуйма ишлаб чиқаришини таъминлаётган бўлса, икки йил муқаддам ишга туширилган прогрессив конвейер технологияли участкада атиги беш киши 100 тонна қуйма ишлаб чиқараяпти.

Область партия комитети пленумида кўпгина автоматлаштирилган ва механизациялашган линиялар, рақамли программа билан бошқариладиган дастгоҳлар ишлатилмай ётгани, улардан тўла фойдаланилмаётгани тўғри танқид қилинди. Шу туфайли биз катта моддий зарар кўраяпмиз.

Тошкентдаги металлни қайта ишлаш ва темирчилик-пресслаш жиҳозларининг 50 процентдан зиёди, кўтарма-транспорт ускуналари, турли кранларнинг 62 проценти ўрнатилганига 10 йилдан ошиб кетди. Фан-техника тараққиётини кескин тезлаштириш вазифаси турган бугунги шароитда бундай аҳвол айниқса қониқарсиздир.

Капитал қурилишдаги камчиликлар ҳам оз эмас. Ўтган йили асосий фондларни ишга тушириш, капитал маблағларни ўзлаштириш бўйича план топшириқлари яна бажарилмади. Пландагидан қарийб 100 минг квадрат метр кам уй-жой фойдаланишга топширилди, беш йиллик бошидан бери ана шу кўрсаткич бўйича қарз эса уй-жой қурилиши йиллик ҳажмининг учдан бир қисмига яқинлашиб қолди. Мактабгача болалар муассасалари, касалхоналар, социал-маиший мақсаддаги қатор бошқа объектлар қурилиши бўйича план топшириқлари мунтазам бажарилмаяпти. Шу беш йилликда бу соҳадаги аҳвол Киров (район ижроия комитетининг раиси Р. Ҳикматуллаев), Ленин (Т. Ҳайдаров), Октябрь (Б. С. Дадаев), Фрунзе (П. Шермуҳамедов), Ҳамза (З. Т. Новикова) районларида айниқса қониқарсиздир.

Қурувчиларнинг ярмидан кўпи, шу жумладан Куйбишев (Н. И. Емельянов), Сергели (Г. Л. Зарубин), Чилонзор районларидаги ташкилотларнинг аксарият қисми асосий фондларни ишга тушириш бўйича ўтган йил планини бажармадилар.

Ҳамон қурилиш трестлари, ташкилотларининг кўпчилиги ўз кучлари билан бажариладиган пудрат ишлари ҳажми бўйича белгиланган топшириқларни уддалай олмаяпти. Ана шу муҳим кўрсаткич бўйича тўрт ойлик планни «Главташкентстрой»нинг (Т. Н. Набиев) 18 трестидан 15 таси, «Ташпромстрой» бирлашмаси (М. Н. Абдуллаев), «Минмонтажспецстрой»нинг кўпгина ташкилотлари (А. И. Клеблеев) бажармади.

Мана сўнгги бир неча йиллардан бери кўпчилик қурилиш ташкилотларида меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича топшириқ бажарилмай келаяпти. «Главташкентстрой»нинг бирорта ҳам тресті январь-апрель ойларида ана шу кўрсаткич бўйича топшириқни уддалай олмади. Октябрь (О. Х. Асқаров), Ҳамза (Ф. Н. Нажмитдинов), Чилонзор районларида муайян қолоқликка йўл қўйилди. Жами шаҳар бўйича бунинг оқибатида 16 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари бажарилмай қолди. Шу билан бирга кўпгина қурилиш майдонларида машина ва механизмлардан ниҳоятда унумсиз фойдаланилади, кўпинча прогрессив қурилиш технологиясини оғир жисмоний меҳнат билан ёнма-ён кўриш мумкин.

Бундай қолоқликни объектив шарт-шароитлар билан изоҳлаб бўлмайди. Асосий сабаб шундаки, ушбу муҳим тармоқни ривожлантиришнинг кўпгина истиқболли масалалари ташкилотларнинг раҳбарлари томонидан журъатсизлик, қатъиятсизлик билан ҳал этилмоқда. Қабул қилинаётган тадбирлар тугал характерга эга эмас, хўжаликни юритиш, капитал қурилишни индустриал изга ўтказиш, шу муносабат билан ўз ишлаб чиқариш базаларини изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлаш методларининг жиддий ўзгаришларига олиб келмаяпти. Шаҳар қурилишининг суръатлари, сифати ва комплекслилигини ошириш масалаларини ҳал этишда архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси (А. А. Умаров), Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг капитал қурилиши Бош бошқармаси (В. Е. Зак), Ю. Г. Мирошниченко, Х. А. Асомов, Т. В. Шахсуварян директор бўлган илмий-тадқиқот ва лойиҳа ташкилотларининг роли ниҳоятда пастлигича қолмоқда.

Шаҳар қурилиши бош планининг аксарият қоидалари бажарилмай қолганлигини, шаҳарнинг сув таъминоти, иссиқлик ва электр таъминотида танқислик ошиб бораётганлигини, савдо ва маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, телефонлаштириш ва транспорт объектларининг қурилиши, айниқса янги турар жой массивларида ортда қолаётганлигини бугунги кунда асло оқлаб бўлмайди. Юқорида айтиб ўтилган ва бошқа қатор раҳбарлар шаҳардаги барча уйсозлик комбинатларини ягона, унификация қилинган буюмлар каталогига ўтказиш бўйича ишларни зарур қатъият билан олиб бормаётганларини тан олиш лозим. Бу бизга катта сарф-харажатларсиз мавжуд ишлаб чиқариш майдонларида уйларни ишлаб чиқаришни 15 процент кўпайтириш имконини берган бўлар эди. Шу билан бирга уйларни қуришнинг биздаги мавжуд стенд ва кассета схемалари мамлакатимиз илғор уйсозлик комбинатларининг тажрибасидан сезиларли даражада ортда қолганлигини ҳам тан олиш керак. I-уйсозлик комбинати (Э. Р. Рустамов), 2-уйсозлик комбинати (Б. Қ. Алиев), 3-уйсозлик комбинати (А. Я. Исҳоқов), 4-уйсозлик комбинати (Л. З. Тоиров)даги айрим цех ва участкаларни реконструкция қилишга доир уринишлар натижа бермаяпти.

Юксалишдаги бундай турғунлик мазкур коллективларда, айниқса «Главташкентстрой» (В. А. Соловьёв), «Минмонтажспецстрой» (П. Ш. Сулаймонов), архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси (Т. Иброҳимов), «Ташпромстрой» (В. И. Устинов) аппаратларида бошланғич партия ташкилотларининг роли пасайтириб юборилганлиги оқибатидир. Улар коммунист раҳбарлардан қурилиш-монтаж ташкилотлари иш самарадорлигини оширишнинг, ажратилган маблағлар ва ресурслардан янада рационал фойдаланишнинг етилган проблемалари ҳал этилиши учун принципиаллик билан талаб қилмаяптилар.

Тошкент шаҳрида ва унга туташ территорияда планлаштиришнинг, капитал қурилишни бошқариш ва ташкил этишнинг территориал схемасини вужудга келтириш масаласи ҳам бугунги кунда етилган. Бунда халқ депутатлари шаҳар Советининг ижроия комитети кўпроқ ташаббускорлик ва қатъият кўрсатиши, бу ишга бош қош бўлиши лозим.

Шаҳар партия комитети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг якунларини муҳокама қилар экан, шаҳар пассажир транспорти ишида жиддий камчиликлар мавжудлигини таъкидлаган, партия комитетининг VI пленуми «Главташпассавтотранс»нинг коммунист раҳбари Ж. А. Шораҳмедов зиммасига шаҳар хўжалигининг ана шу муҳим участкаси ишини йўлга қўйиш тадбирларини амалга ошириш вазифасини юклаган эди.

Орадан ўн бир ой ўтди. Аммо аҳвол яхшилангани йўқ.

Пассажир автомобиль транспорти ходимлари ўртасида тамагирлик йўли билан пул йиғиш, порахўрлик ҳақида кўплаб шикоятлар олинмоқда. Гражданларнинг бундай аҳвол билан муроса қила олмасликлари ҳақида хатлар ва шикоятлар оқими кўпайиб бормоқда.

Шаҳар партия комитети қошидаги партия комиссияси «Главташпассавтотранс» ишидаги аҳволни ўрганиб, Бош бошқарма қарамоғидаги корхоналар ишидаги назоратсизлик натижасида нохуш аҳвол юз берганлиги, меҳнат интизоми пастлиги, бўлинмаларда сиёсий-тарбиявий ишлар йўлга қўйилмаганлигини очиб ташлади.

Коммунист Ж. А. Шораҳмедов Бош бошқармага узоқ вақтдан буён раҳбарлик қилиб келар экан, ишни тузатишга ваъда бериб, мавжуд аҳвол билан муроса қилиб келди, аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан таъсирчан тадбирларни кўрмади. У бунинг устига ўзининг роҳат-фароғатини кўзлади. Натижада принципиаллик, ишчанлик, камчиликларга муросасизлик йўқолди ва бу нарса бошқарма корхоналарида иш сифатининг пасайиб кетишига олиб келди.

«Главташпассавтотранс» аппаратида суиистеъмол қилиш юзасидан олинган хатларни текшириш натижалари бўйича партия комиссиясининг материалларини шаҳар партия комитети партия ташкилотлари ва тегишли район партия комитетларига юборди. Ўйлаймизки, улар бу материалларни ўрганиш ва ҳал этишда КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларига тўла-тўкис монанд келадиган принципиаллик кўрсатадилар.

Тошкентликларнинг партия ва совет органларига йўллаётган кўплаб хатлари шаҳар хўжалиги, савдо, умумий овқатланиш, соғлиқни сақлаш ишида ҳамон ҳал этилмасдан келаётган кўпгина проблемалар ва камчиликлар борлигидан далолат бермоқда.

КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми қарорлари асосида барча соҳаларда интизом, уюшқоқлик ва тартибни мустаҳкамлаш, ҳар бир коллектив, барча меҳнатчи жамоат ишлаб чиқаришида ўз қобилияти ва имкониятидан тўла-тўкис фойдаланишга эришиш учун қатъий кураш олиб бориш лозим.

Экскаватор заводи, «Ўзбекистон» чарм ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Средазэлектроаппарат», агрегат заводи ва бошқа бир қатор корхоналарда яқинда ўтказилган текширув натижалари шуни кўрсатдики, агарда биз ўз вақтида ишга келиш ва кетишни, бутун иш куни мобайнида меҳнатга виждонан муносабатда бўлишни мунтазам текшириб турсак ва талаб қилсак, бу қўшимча ресурсларсиз меҳнат унумдорлигини камида яна икки процент ошириш имконини беради.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида социал адолат принципларига жиддий риоя қилиш учун партия, совет, хўжалик раҳбар кадрларининг масъулиятини ошириш лозим. Область партия комитетининг пленумида ҳаққоний тўғри таъкидланганидек, область партия комитетининг уй-жойларни тақсимлаш тартибида жиддий камчиликлар тўғрисида январь ойида қабул қилган қарорида қўйилган талаблар партия комитетлари, шаҳар Совети ижроия комитети ва халқ депутатлари район Советлари томонидан қатъиятсиз бажарилмоқда, кўпчилик бамайлихотир бўлишни давом эттирмоқда.

Шаҳар бошланғич партия ташкилотларининг кўпчилиги ишида кейинги пайтларда кўпроқ ишчанлик, уюшқоқлик, изчиллик кўзга ташланмоқда. Жанговарлик кўрикларини ўтказиш, ишларнинг янгича форма ва методлари бунда яхши омил бўлмоқда. Бироқ биз партия комитетларидаги кўплаб штаблар, кўпчилик қатнашадиган кенгашларни тугатиб, афсуски, партия ташкилотларида халқ хўжалигига раҳбарлик қилишнинг замонавий методлари ва формаларига раҳбарларни ўргатиш билан шуғулланмадик.

Район партия комитетлари, партия комитетлари ва бюролари юзакичиликка, мажлисбозликка ва қоғозбозликка барҳам беришлари, бутун диққат-эътиборни янада муҳим ишларга сафарбар этишлари лозим.

Шу куннинг вазияти ишда ленинча услубни изчиллик билан тадбиқ этишни тақозо этмоқда. Бу биринчи навбатда меҳнат коллективларида тез-тез бўлиш, жойлардаги аҳволдан хабардор бўлиш, одамлар билан мулоқот, уларнинг кайфиятини, фикрини, таклифларини ўрганиш лозимлигини кўрсатади. Ягона сиёсий кунлар бу борада алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Съездга тайёргарлик кўриш жараёнида партия ташкилотлари фаолиятини мустаҳкамлаш, уларнинг ишдаги жанговарлиги, самарадорлигини ошириш масалалари алоҳида аҳамият касб этмоғи керак.

Шаҳарда бошланғич партия ташкилотларида бошланган жанговарлик кўриги ҳозирдаёқ шаҳардаги 87 партия ташкилотини қамраб олди. «Миконд», ирригация бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси, нефть ҳамда газ конлари геологияси ва разведкаси институти ва бошқа корхоналар партия ташкилотлари ишида бу борада кўплаб ижобий тажриба тўпланмоқда. Собир Раҳимов, Ленин район партия комитетлари бу ишда камчиликлар, салбий ҳолатлар юз берган ташкилотларни биринчи навбатда жалб этиб, жанговар кўрикнинг чегарасини мунтазам ва фаол кенгайтириб бормоқдалар. Бу районларда кўрикларни ўтказиш бошланғич партия ташкилотлари обрўсини ошириш, коммунистларнинг фаоллигини ўстиришда муҳим омил бўлмоқда.

Шаҳар партия комитетининг аввалги пленумида қилинган танқид ва талаб ҳамда истакларга қарамай афсуски, муҳим ишда ҳамон расмиятчилик элементлари сақланмоқда.

Марказий Комитет бюроси, секретариати, шаҳар партия комитети кейинги пайтларда бир қатор министрликлар аппаратлари партия ташкилотлари ҳисоботларини кўриб чиқдилар. Мазкур пленумга тайёргарлик кўриш жараёнида кўпгина министрликларнинг иши текшириб чиқилди. Текширишлар шуни кўрсатдики, олий ва ўрта махсус таълим, махсус монтаж ва қурилиш ишлари ва кўпгина министрликлар аппаратлари партия ташкилотлари фаолиятида ягона мақсадга интилиш ва жанговарлик, аппаратларда ишдаги камчиликларга нисбатан юксак талабчанлик, муросасизлик муҳитини яратишда фаоллик кўрсатилмаётир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XX пленумида ҳаққоний кўрсатиб ўтилганидек, қишлоқ хўжалиги, мева ва сабзавот хўжалиги министрликлари, сув қурилиши давлат комитети аппаратлари бошланғич партия ташкилотлари иш услубини такомиллаштириш; қоғозбозлик ва сансалорлик ҳолларига барҳам бериш билан бўш шуғулланишаётир. Яқинда очиб ташланган фактлар шу нарсани кўрсатдики, бизда кадрларни танлаш ва кўтариш борасида демократик асосларда иш юритиш ҳолларини ривожлантиришда ҳамон талай расмиятчилик бор. Т. С. Умархўжаевни Собир Раҳимов район комсомол комитетининг биринчи секретари қилиб кўтаришда шундай ҳол рўй берди. Унга коммунистлар ижобий баҳолар беришди. Район партия комитети бюроси бир неча ой ўтгандан кейин уни йўл қўйган бузилишлар учун КПСС сафидан ўчиришга мажбур бўлди. У эгаллаб турган вазифасидан бўшатилди.

Юз берган воқеа партия ташкилоти коммунистнинг раҳбарлик лавозимига тавсия этилаётганида юзакичилик билан муносабатда бўлганлиги, унинг сиёсий, ишчанлик ва ахлоқий фазилатларини чуқур ўрганмаганлигини кўрсатади.

Раҳбарлик ишларига кўтариш учун тавсия қилинган номзодлар партия ташкилотларида аввал муҳокама қилинганида юзакичиликка йўл қўймаслиги лозимлигини яна бир бор таъкидлаб ўтамиз.

КПСС Марказий Комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумлари қарорларида ҳисобот ва сайлов йиғилишларини ўтказиш муддатлари белгилаб берилди. Шу йилнинг ноябрь ойигача бошланғич партия ташкилотларида йиғилишлар ўтказилади. Ноябрь ойида эса район партия конференциялари бўлиб ўтади. 14 декабрда XXV Тошкент шаҳар партия конференциясини ўтказиш белгиланди.

Йиғилишлар ва конференцияларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш мобайнида яна бир марта коммунистларнинг жой-жойига қўйилганини, партия ташкилотларининг ташкилий тузилишини кўриб чиқиш, партия ядросини, айниқса ҳал қилувчи ишлаб чиқариш участкаларида мустаҳкамлаш тадбирларини кўриш зарур.

Бўлажак ҳисобот-сайлов кампанияси Советларга, касаба союзлари, комсомолга партиявий раҳбарликни янада кучайтиришга, социалистик демократияни ривожлантиришга хизмат қилмоғи керак.

КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишда идеологик, сиёсий-тарбиявий иш катта роль ўйнайди. Ҳозир асосий вазифа Тошкентнинг барча меҳнаткашларини шу йил ва умуман беш йиллик план ва социалистик мажбуриятларини бажариш учун зарбдор меҳнатга сафарбар этишдан иборатдир.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 18 ишлаб чиқариш илғори ва новаторининг ватанпарвалик ташаббусини маъқуллади. Улар орасида В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчилар бригадири И. М. Басанец, «Ташсельмаш» заводининг электрпайвандчиси Д. А. Атаманов, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси К. Ҳ. Ёқуббоева, «Ташавтотехобслуживание» бирлашмасининг слесарлар бригадири Э. Носировлар бор. Улар КПСС XXVII съезди шарафига 27 зарбдор ўн кунлик ўтказишга аҳд қилдилар.

Район партия комитетлари, партия ташкилотлари бу қимматли ташаббусни кенг қўллаб-қувватлашлари, ташаббускорларнинг тажрибасини муҳокама қилишлари ва ундан фойдаланишлари, уни ёйиш учун меҳнат коллективларида ташкилотчилик ишларини кенг тус олдиришлари, меҳнат унумдорлигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришлари лозим.

Биз беш йиллик топшириқларини якунлашнинг масъулиятли палласига, партия XXVII съездига тайёргарлик кенг тус олган даврга қадам қўйдик. Ўн иккинчи беш йилликда биз янада мураккаброқ вазифаларни ҳал этишимиз керак. Бу эса ташкилотчилик, сиёсий ва хўжалик фаолиятини сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришни талаб этади. Ишончимиз комилки, Тошкент шаҳар партия ташкилоти партия режаларини амалга ошириш учун курашда бутун куч-ғайратини сафарбар этади, КПССнинг XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини коммунистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятлар билан кутиб олади.

— Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари, — деди ўз сўзида Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари **Ш. М. Хожимуротов.** — КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми қарорларини ҳар бир киши, ҳар бир коммунистга етказишни ўзининг асосий вазифаси деб билади. Район меҳнат коллективлари КПСС XXVII съезди шарафига йигирма етти зарбдор ўн кунлик ўтказишга аҳд қилган ва ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилган республика илғорларининг ташаббусини қўллаб-қувватламоқда.

Тўрт ойлик якун шуни кўрсатиб турибдики, барча меҳнат коллективлари энг муҳим кўрсаткичлар — меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръатлари, таннархни камайтириш бўйича беш йиллик топшириқларини албатта адо этадилар.

Сўнгра Ш. М. Хожимуротов ички резервлардан фойдаланиш масаласига тўхталиб ўтди. «Компрессор» ва агрегат заводлари мисолида меҳнат интизоми, меҳнатни ташкил этиш, иш вақтидан оқилона фойдаланишга риоя қилиш масалалари ўрганилди. Бу шуни кўрсатдики, қатъий интизом, меҳнатни аниқ ташкил этиш ҳар бир корхонада кундалик маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш ва умуман район бўйича қўшимча бир миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш имконини беради.

— КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми ўртага қўйган катта вазифаларни бажариш район партия комитети аппарати ва бошланғич партия ташкилотлари ишини яхшилаш ва активлигини янада оширишни тақозо этади, — деб таъкидлади ўз сўзида Ўзбекистон Компартияси Октябрь район комитетининг иккинчи секретари **А. Е. Викторов.**

Район партия комитети ҳисобот ва сайловларга тайёргарликни бошлаб юборди. Район партия комитети бюросида барча тадбирлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Уларда район партия комитети аъзоларининг кўпроқ қисмини қатнаштириш кўзда тутиляпти.

Барча бошланғич партия ташкилотларида райком аъзолари бундан олдинги ҳисобот-сайлов конференцияси қарорлари қандай бажарилганлиги ҳақида ахборотлар беришди. Бу иш жараёнида билдирилган танқидий мулоҳазалар умумлаштирилди. Биз уларни бажаришга киришдик.

Райкомнинг бутун аппарати ҳозир ташкилотларнинг раҳбарлари билан, коммунистлар билан актив иш олиб боряпти. Уларнинг сайланган органлар тўғрисидаги фикрларини ўрганяпти. Уларнинг фаолиятини янада активлаштириш бўйича мулоҳазаларни ҳисобга олмоқда. Партия группалари ташкилотчилари, цех ва бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш практикаси бўйича семинарига тайёргарлик бошлаб юборилди. Пленумда кескин ва принципиал ўртага қўйилган масалаларнинг ҳал этилиши, деб таъкидлади нотиқ, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга коммунистлар куч-ғайратини сафарбар этиш ва ҳисобот-сайлов компаниясини ишчанлик руҳида ўтказишга имкон беради.

— КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумида Михаил Сергеевич Горбачев шуни таъкидладики, халқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг бош стратегик омили, тўпланган потенциалдан янада яхшироқ фойдаланиш омили бўлган фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштириш вазифасини партия илгари сурмоқда, — деди ўз сўзида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори **В. Қ. Қобулов.** — Бу муҳим йўналишни муваффақиятли ривожлантиришга Тошкентда нималар халақит беряпти?

Энг аввало, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришга комплекс, изчил ёндошилмаяпти. Автоматлаштириш проблемасини муваффақиятли ҳал этиш робот ва ҳисоблаш техникасини харид қилишдан эмас, балки конструкторлик-технологик ахборотни йўлга қўйиш, планлаштиришнинг прогрессив методларини жорий этиш юзасидан комплекс тадбирлар ўтказишдан бошланади. Бунда барча занжирни кўзда тутмоқ керак. Яъни технологик жараёнларни комплекс автоматлаштиришни ташкилий-иқтисодий ва социал масалалар билан узвий боғлаш керак. Корхоналарнинг раҳбарлари буни яхши билишлари керак. Аммо бу фақат хўжалик раҳбарларинингина вазифаси бўлиб қолмай, балки бунда партиявий таъсир ҳам зарур.

Ҳозир Тошкент шаҳар партия комитети Москва ва Ленинград шаҳарлари тажрибаси бўйича территориал-тармоқ бошқарувининг шаҳар программасини ишлаб чиқишга киришди. Бироқ бу иш суст олиб боriляпти. Шаҳар партия комитетининг тегишли бўлимлари, шаҳар Совети ижроия комитети бу йўналишдаги ишларни жадаллаштириш юзасидан таъсирчан чоралар кўришлари керак. «Кибернетика» бирлашмасининг коллективи эса ўз навбатида бу ишда жуда актив иштирок этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги эса ихтисослашган «Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув системаси» олий ўқув юртини ташкил этишни тезлатиш ҳақида ўйлаб кўриши керак, бинобарин бу директив органлар қарорларида кўзда тутилган.

«Миконд» заводи партия комитети секретарининг ўринбосари **А. И. Шевченко** жанговарлик кўригини ўтказишга эътиборни жалб этди. Ҳозир, деди у, заводда кўрикнинг учинчи босқичи ниҳоясига етяпти. Бу — коммунистлар билан индивидуал суҳбат якунлари бўйича партия йиғилишлари ўтказишдир, коммунистларнинг авангардлик ролини янада ошириш, суҳбатлар чоғида коммунистлар билдирган нуқсонларга барҳам бериш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашдир.

Ҳозирги талаблар асосида ўз ишини қайта қуриб, завод партия комитети партия ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг фаолиятини синчиклаб таҳлил этаяпти. Бу эса бошланғич партия ташкилотларига ишлаб чиқариш вазифаларини оқилона ҳал этиш, топширилган иш учун коммунистларнинг масъулиятини ошириш имконини бермоқда.

Бугунги кунда ҳар биримиз ўзимизга жанговарлик кўриги нималар беряпти, деб сўрашга ҳақлимиз. Якунларни чиқаришга ҳали эрта бўлса-да, қилинган ишлардан муайян хулосалар ясаш мумкин. Энг аввало, топширилган иш соҳаси учун коммунистларнинг масъулияти ошди. Бу эса бутун коллектив ишида ўз аксини топмоқда.

— Шу кунларда бирлашма коллективи барча совет халқи қатори КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XX пленуми сафарбарлик таъсири остида меҳнат қилмоқда, — деди «Ташпромстрой» қурилиш-монтаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори **М. Н. Абдуллаев.** — Ҳафталик-кундалик планлаштириш мунтазам такомиллаштирилмоқда, моддий техника ресурслари кўпроқ энг муҳим ишга тушириладиган объектларга йўналтириладиган бўлди, ҳафталик-кундалик график бўйича ёрдамчи пудрат ташкилотлари билан иш системаси жорий этилди.

Шунга қарамай, ишимизда камчиликлар ҳали кўп. Ана шу камчиликлар учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида бизни танқид қилишган эди. Жумладан, меҳнат унумдорлиги паст суръатлар билан ошаяпти, тўрт ойлик иш якунларига кўра эса биз бир ишчининг меҳнат унумини олганда аксинча бир қадам орқага чекиндик. Бу ишлаб чиқаришни инженерлик тайёрлашдаги камчиликлар оқибатидир.

КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев шундай деган эди: «Капитал қурилишда нималар содир бўлмоқда? Кўпгина объектлар ҳаддан ташқари узоқ қурилмоқда. Натижада талайгина моддий бойликлар ҳаракатсиз қолиб кетмоқда...» Ўтган йилиёқ коллективимиз бирлашмага мерос қолган «узоқ муддатли қурилишлар»дан қутулиш йўлини тутди. Ҳозир ана шу қурилишларнинг ҳаммаси тугалланди, деб айтиш мумкин.

Абразив комбинатининг мастери **В. Н. Гречко** ўз сўзида партиянинг навбатдаги съезди арафасида босиб ўтилган йўлни талабчанлик билан баҳолаш, келажак истиқболларни аниқлаб олиш совет кишилари учун анъана бўлиб қолди, деб таъкидлади.

Қатъиян киришиш мумкин бўлган резерв бор. Бу — тартиб ва интизомни мустаҳкамлашдир. Ишлаб чиқариш интизомини, спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш ва сотишни кескин камайтирмай туриб, йўлга қўйиб бўлмайди. Чунки алкоголь барча ишга чиқмаслик ва кечикиб келишларнинг асосий сабабларидан биридир. Бу соҳада энг қаттиқ чора-тадбирларни кўриш лозим. Шунинг учун партия ва ҳукуматимизнинг яқинда эълон қилинган қарорларини ўз вақтида қабул қилинган деб ҳисоблайман.

2-автопарк ҳайдовчиси **И. А. Азаматов** пленумдаги сўзида «Главташпассавтотранс» ишини қаттиқ танқид қилди.

— Ҳайдовчилар ишининг ёмонлиги туфайли эмас, балки планлаштирувчи ташкилотлар, шу жумладан «Главташпассавтотранс»нинг хатоси оқибатида бизнинг коллективимиз қийин аҳволда қолди, — деди у. — Масалан, бизнинг автокорхонамизга 1984 йил учун эскилари ўрнига 10 та янги автобус етказиб берилиши керак эди. Ҳолбуки, берилмади. Бу йилги план ана шу олинмаган техникани ҳисобга олган ҳолда белгиланган эди. Бунинг устига даромадлар ва ўша маршрутлардаги иш ҳажми плани ҳам 50 процентдан зиёдроққа кескин оширилганди.

Бугун пленумда биз бошқармамиз бошлиғи, коммунист Ж. А. Шораҳмедовнинг ана шу масалалар, пассажир транспорти ишини яхшилаш билан шуғулланиш ўрнига шахсий фаровонлиги билан шуғулланганлигини, коммунист ахлоқи нормаларини бузганлигини эшитдик. Биз, ишчилар бундай хатти-ҳаракатлардан ғазабландик. Ишончингиз комил бўлсинки, қонун ва ахлоқ нормаларини бузувчилардан жуда қатъий партиявийчасига талаб этамиз.

Сўнгра у «Литературная газета» яқинда «Хўжайинлар» мақоласида Тбилиси автотранспортчилари н и н г тажрибаси ҳақида ҳикоя қилганлигини таъкидлади. Тажрибанинг моҳияти шундан иборатки, маршрутларга хизмат кўрсатувчи бригадалар хўжалик ҳисобига ўтказилган. Натижалар узоқ куттириб қўймабди, даромадлар кескин кўпайиб, пассажирларга хизмат кўрсатиш яхшиланган, ҳаракат графигига қатъиян амал қилинадиган бўлиб, энг муҳими илгари даромадсиз ҳисобланган маршрутлар ўзини оқлабгина қолмай, даромад ҳам берадиган бўлиб қолган.

Биз ўзимизда ана шу мақолани муҳокама қилиб чиқдик ва Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигига, бошқармамизга ана шу тажрибани ўрганиб чиқиш, уни кенг ёйишни таклиф этамиз. Ўз номимдан, бригадамиз уни биринчи бўлиб қўллаб-қувватлайди ва турмушга жорий эта бошлайди, деб айта оламан.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

«Ҳамма ерда жиддий ўзаро талабчанлик вазиятини вужудга келтириш, хизмат вазифасини суиистеъмол қилишлар, хотиржамлик, манманлик, туҳмушда нотўғри хатти-ҳаракат кўринишлари билан қатъиятли кураш олиб бориш ғоят муҳимдир».

«Қуюқ зиёфатлар, баландпарвоз гаплар бизнинг ахлоқимизга бутунлай зид эканлигини тушуниб олиш зарур. Булар бизга мутлақо ёт бўлган манманлик, мақтанчоқлик ва бойваччаликни эслатади».

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари материалларидан).

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

● АЛКОГОЛЬ —ҲАЁТ ОҒУСИ ● АҚЛ КУШАНДАСИ, ТЕЛБАЛИК НИШОНАСИ ● ИЧКИЛИК — ХАСТАЛИК КЕЛТИРАДИ ● ШАРОБИ-МАЙ — ҲУШЁРЛИК ЎҒРИСИ ● АЛЛОМАЛАР НАСИҲАТИДАН

Меҳнат ва ижодимиз—КПССнинг XXVII съездига

ШИФОКОРЛИК КАСБИГА САДОҚАТЛИ БЎЛАЙЛИК

Ўрта Осиёдаги кекса ўқув юртларидан бири —ТошМИ қуёшдан ўтган 65 йил ичида ўз истеъдоди, ўз билимини халққа бегараз хизмат қилишга буткул бахшида этаётган минглаб медиклар чиқишди. Бу йил яна 1480 мутахассис врачлик дипломлари билан кишиларни даволаш, медицина фани ва амалиётини янги тадқиқотлар билан бойитиш учун унинг қучоғини тарк этишади. Уларнинг ҳар бири мустақил ишлаш олдидан халқ олдидаги юксак ва олижаноб бурчларини бутун умр давомида адо этиш учун қасамёд қиладилар. Ушбу қасамёд КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда алоҳида аҳамият касб этади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумида таъкидлаб ўтганидек, «Замонавий талаблар нуқтаи назаридан қараганда соғлиқни сақлашнинг моддий-техника базаси, медицина хизматининг сифати, аҳолини дори-дармон билан таъминлаш жиддий яхшиланишига муҳтождир». Шу муносабат билан соғлиқни сақлаш ходимларига ҳам медицина кадрларини тайёрлаётганларга бўлган талаблар ҳам кескин ошади. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент медицина институти коллективи ана шу талаблар асосида ўз ишини қандай ташкил этяпти?— Биз ушбу савол билан ТошМИ ректори, профессор Орхон Сирожиддинович МАҲМУДОВга мурожаат этдик.

— Ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, юқори малакали мутахассислар тайёрланишини яхшилаш масалалари профессор-ўқитувчилар коллективимиз диққат марказида турибди. Биз ўз куч-ғайратимизни институт битирувчилари профессионал билимлар ва малакаларини эгаллашларига ҳамда улардан амалий ишда ижодий фойдалана олишларига йўналтиряпмиз. Коллективимиз врачлик дипломини олган мутахассис яхши даволабгина қолмай, балки одамларга сезгирлик билан эътиборли муносабатда бўлишига, Совет Иттифоқи врачи Қасамёдини ҳалол ва виждонан бажарадиган бўлишига интиляпти. Студентларни ахлоқий тарбиялаш ва уларда тўғри дунёқарашни шакллантириш ишлари анъанавий студентликка бағишлов кунидан бошлаб бутун ўқув давомида узлуксиз давом эттирилади.

Мутахассислар томонидан ўқилаётган «Совет ҳуқуқи» курси ва кейинчалик юқори курсларда врач касби билан боғлиқ соғлиқни сақлаш бўйича ва ҳуқуқий масалалар бўйича қонунчиликнинг ўрганилиши ҳуқуқий тарбия масалаларида муҳим роль ўйнаяпти. Институтнинг ўқув-тарбия комиссиялари ва кураторлик Совети ахлоқий-этик нормаларни тарбиялашда муҳим роль ўйнайди. Бу иш студентларнинг машғулот вақтидан четга чиқади ва студентлар ётоқхоналарида давом эттирилади.

— Беморлар ўз вақтида малакали ёрдам олишларини таъминлаш учун врач ўз билимини медицина фанининг янги ютуқлари билан мунтазам бойитиб бормоғи лозим. Институтда амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш бўйича нималар қилиняпти? Олий ўқув юртида даволашнинг қандай янги методлари ишлаб чиқилди ва даволаш муассасаларида амалиётга жорий этиляпти?

— ТошМИ олимларининг хирургия ва иммунология соҳасидаги илмий-тадқиқотларининг кўлами ва юксак савияси унинг хирургия ва трансплантация, иммунология бўйича республикадаги етакчи муассаса сифатида эътироф этилишига асос бўлди. Бундан ташқари, олий ўқув юрти оналар ва болалар соғлигини муҳофаза этиш, фармакология бўйича давлат программаси бажарилишида иштирок этяпти. Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида биринчи марта институтда синтез қилинган ва синовдан ўтказилган дорилардан фойдаланилган ҳолда бир қатор янгича даволаш методлари ишлаб чиқилди.

Хирургиянинг турли бўлимларини ривожлантиришда муайян ютуқларга эришилди — булар қон-томир, кўкрак ва қорин бўшлиғи органларини операция қилишнинг янгича йўллари ишлаб чиқилди. Янги физиологик актив моддаларни излаб топиш ва ўрганиш бўйича давлат программаси доирасида шамоллашга қарши янги препаратлар тадқиқ этилди. Тиш протезлари тайёрланиши учун базис пластмассалар хусусиятини яхшилаш йўналишидаги тадқиқотлар натижаси юқори баҳога — СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасининг кумуш ва бронза медалига сазовор этилди. Институт коллективи томонидан 1981— 1984 йилларда 300 дан зиёд илмий иш жорий этилди, 55 та авторлик гувоҳномаси олинди. Институтда ҳар йили 70 та рационализаторлик таклифи тасдиқланяпти.

— Кафедраларнинг таянч касалхоналар билан алоқаси қандай мустаҳкамланаяпти, олимлар қишлоқ шифокорларига қандай ёрдам кўрсатишяпти?

— Мана беш йилдан ошдики, коллективимиз қишлоқ аҳолисига медицина хизмати кўрсатиш даражасини ошириш юзасидан даволаш-профилактика муассасаларига самарали оталиқ ёрдами кўрсатяпти. Планли равишда консультатив ёрдам кўрсатиш оталиқ ёрдамининг негизини ташкил этади. Бу илмий-амалий конференциялар, семинарлар ўтказиш, амалий ташкилий, методик ва санитария ёрдами кўрсатишдан иборат. Институт коллективи фақат Жиззах областида стационарлар ва поликлиникаларда 42 мингдан зиёд беморни консультациядан ўтказди, 576 та кўргазмали кўрик, 285 та кўргазмали операция амалга оширилди. ТошМИ клиникаларига 2 мингдан зиёд бемор ётказилди. Институт ходимлари Пахтакор, Дўстлик районларида аҳолини диспансерлашдан ўтказишда фаол қатнашдилар.

Врачлар ва ўрта медицина ходимлари малакасини ошириш оталиқ ёрдами кўрсатишнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ҳар йили бизда юздан зиёд киши ихтисослаштиришдан ўтади.

ТошМИ профессорлари, доцентлари ТошМИнинг 1 ва 2-клиникаларидаги иккита консультатив поликлиникада ва шаҳардаги бешта район поликлиникасида консультациялар беришяпти.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш бўйича ўқув юртлари коллективларининг олдига катта вазифалар қўйди. Ушбу қарорни бажариш борасида қандай ишлар қилинди?

— Илмий-педагогик кадрларини тайёрлаш ва жой-жойига қўйишни яхшилаш, комсомолга партия раҳбарлигини кучайтириш, коммунистларнинг топширилган иш учун масъулиятини оширишга кўпроқ эътибор бериляпти. Партия комитети мажлисларида ва цех партия ташкилотларининг йиғилишларида коммунист раҳбарларнинг устав бўйича ва хизмат бурчларини бажариш юзасидан ҳисоботлари мунтазам тингланяпти. Фақат кейинги пайтнинг ўзида партком мажлислари ва цех партия йиғилишларида тўрт проректор, 34 кафедра мудири, клиникаларнинг бош врачлари, турли бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Институт партия йиғилишида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашдаги хатолари, олий мактаб тўғрисидаги низомни бузганликлари учун бир қатор собиқ раҳбарларга қаттиқ партиявий жазолар берилди, уларнинг айримлари вазифаларидан четлаштирилдилар.

Биз кадрлар билан ишлашни такомиллаштиришда цех партия ташкилотлари, коммунистларнинг ролини оширишга интиляпмиз. Чунончи, яқиндагина институт касаба союз комитетининг собиқ раиси Х. Қодиров, унинг ўринбосари Х. Ирисалиев, уй-жой маиший комиссия раиси Э. Исмоилов, ғайри қонуний йўл билан квартира олган А. Усмоновнинг шахсий ишлари кўриб чиқилгандан кейин, улар қаттиқ жазоландилар.

Жисмоний тарбия кафедрасида назоратсизлик ва бирбиринг камчиликларини хас-пўшлаш фактлари аниқланди. Институт бўйича чақирилган буйруқ билан кафедра мудири С. С. Румига қаттиқ виговор эълон қилиниб, уч ойлик маоши миқдорида зарарни қоплаш учун жарима солинди. Спорт комплекси директори И. Е. Сидоренко вазифасидан четлаштирилди. Моддий маблағлар молиявий исроф қилиниши ҳолларига чек қўйиш юзасидан чоралар кўрилмагани учун бош бухгалтерга қаттиқ виговор берилиб, уч ойлик маоши миқдорида зарарни қоплаш учун жарима солинди. Ревизия бўлими бошлиғи, кассир ҳам жазоландилар.

— Сиз касаба союз комитетининг уй-жойларни тақсимлашда социалистик қонунчилик принципларига риоя этмаган собиқ раҳбарлари қандай жазо олганликлари ҳақида айтиб ўтдингиз. Касаба союз комитети бугунги кунда ўз ишини қандай ташкил этяпти?

— Меҳнаткашлар манфаатини қаттиқ туриб ҳимоя қилиши керак бўлган касаба союз комитети бугунги кун талаблари асосида ўз ишини тубдан қайта қурди. Социал неъматларни тақсимлашда ҳамиша бамаслаҳат иш юритиш касаба союз комитети ҳозирги состави ишининг бош принципи ҳисобланади. Касаба союз комитетида қўйилган вазифалар адолатли ҳал этилиши учун иш ҳақи ва меҳнатни нормалаш, уй-жой-маиший масалалар бўйича доимий комиссиялар ва бошқа бир қатор комиссиялар ишлаб турибди.

Медиклар шаҳарчасидаги квартира эгалари шахсий бойиш мақсадида фойдаланаётган ёки қариндошларига бериб қўйган квартираларни аниқлаш бўйича катта ишлар қилинди. Текшириш натижалари асосида шундай 17 квартира бўйича уларнинг ордерини бекор қилиш учун бу органларга материаллар тайёрлаб қўйилди.

— Тез кунда олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари даври бошланади. Қабул комиссияси ишини назорат этишни кучайтириш, ошна-оғайнигарчилик фактларини барҳам топтириш юзасидан қандай чоралар кўриляпти?

— Маълумки, бугунги кунда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш алоҳида ўткир масала бўлиб турибди, Шу муносабат билан биз қабул комиссиясини тузишга, айниқса жиддий ёндошдик, унинг составига ўзиңи яхши кўрсатган ходимлар кирилтди. Қабул комиссияси аъзоларининг 70 процентдан зиёди коммунистлардир. Қабул комиссиясининг техник состави ҳам 40 процентга янгиланди. Предметлар бўйича комиссияларнинг раислари состави тўла янгиланди.

Қабул комиссиясининг иши кенг кўламда олиб борилади. Махсус стендлар абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини институтимизга қабул қилиш қоидаларининг айрим шартлари билан, ҳар бир область бўйича факультетларга ўша кунгача тушган аризалар миқдори билан имтиҳон саволларига мисол тариқасидаги жавоблар билан ва барча предметлар бўйича баҳолаш ва бошқа тартиблар билан таништиради.

Таниш-билиш, ошна-оғайнигарчилик кўринишларини ва коммунистик ахлоқ нормаларига зид бошқа кўринишларнинг олдини олиш учун ректорат, шунингдек, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари томонидан қабул комиссияси иши устидан назорат кучайтирилади.

Институтимиз навбатдаги ўқув йилини якунлаяпти ва янги ёшларни қутиб олишга тайёргарлик кўряпти, студентларда гражданлик масъулиятини шакллантириш, уларда бурч ҳиссини тарбиялаш бўйича кўп қиррали иш олиб бориляпти. КПССнинг XXVII съезди арафасида медицина институтининг коммунистлари, бутун коллективи совет кишиларининг бахт-саодати ва саломатлиги учун малакали шифокор кадрларнинг тайёрланиши ишига бутун куч, билим ва ғайратларини сафарбар этадилар.

Суҳбатни
Н. ПАНЯКШИНА
ёзиб олди.

ИЧКИЛИКБОЗЛИК—ИЛЛАТ

● Оқибати—телбалик

«БАЛОДАН ҚУТУЛИШИМ КЕРАК»

Психиатр-врач Геннадий Михайлович Блинов «Психиатр-врач хотиралари» китобида алкоголь делирийи (оқ алаҳлаш) билан хасталанган бир беморнинг ҳолатини ўз тилидан шундай ҳикоя қилганини мисол қилиб келтиради:

«Мен супургини олиб, абажурда ўтирган шайтончаларни ҳайдай бошладим. Бироқ улар ҳайрон қоларли даражада эпчил экан. Шайтончалар эгилиб-букилиб буралар ва супургим остидан сапчиб чиқишар, худди маймунларга ўхшаб электр симига тирмашар, қиқирлаб кулиб ва чийиллаб бошини ерга осилтириб олишарди.

Шайтончаларни қувлаш билан овора бўлиб кетиб, стол устида баҳайбат, бўйи одамдай келадиган алвасти ўтирганини сезмай қолибман. Менга қараб гапира бошлаганидан кейин, унга назар солдим.

— Қуйинг отахон, бир рюмкадан! Ичаверинг, барибир асфалософинга кетдингиз!

Мен товуш келган томонга қарадим. Сочлари ҳурпайган алвасти овоз чиқармай, тишларини ғижирлатиб кулар, думининг учидан то қулоғигача титрарди. Афтидан ҳайратдан юзим чўзилиб кетган, чиндан ҳам тентакка ўхшаб қолгандим. Ҳақиқатан ҳам стол устидаги шишада ичиб тугатилмаган ароқ турарди. Мен стул олиб, алвастининг рўпарасига ўтирдим. У думини кўтарди-да, охиста силкита бошлади. Думида кичкина бирка (тамға белги)си бор эди, у нақ думининг учига каноп билан боғлаб қўйилган эди:

— Бу биркангиз нимаси?

— Нима бўларди? Ахир мен чет элликман-да!!

— Бўлмаган гапни гапирманг!

— Сиз буни ўйламай қўя қолинг! Ҳа, ўйламанг отагинам! Яхшиси қўйинг! Бу ерда озроқ борга ўхшайди. Ичамиз. Олаверинг, барибир асфалософинга кетдингиз!

— Бўлмаган гап,— дедим мен қолган ароқни иккита стаканга қуйиб.

— Мувaффақият тилайман!— кўзини қисди алвасти.

— Соғ бўлинг!

Мен ичдим. Алвасти кўздан ғойиб бўлди. Миям сал равшан тортди. Мен ўрингa ётиб, ухлаб қолдим. Бироқ оромим узоққа бормади. Назаримда хонага босқинчилар кириб олгандек бўлди... Алахлаганимдан кейин кўзимни касалхонада очдим.

Мана энди бошимдан шунча можаролар ўтганидан, палатада мен билан бирга ётган ўзимга ўхшаш пиянисталарнинг аҳволини кўрганимдан кейин дунёда одамларга ўхшаб яшагим, алкоголь балосидан қутулгим, тузукрок ишда ишлагим келиб кетди. Ўғлимни кўргим келди, бирор кун келиб оила қурарман, балки олдинги хотиним билан ярашарман. Ҳозиргидек яшаш ҳеч мумкин эмас! Мен ичкилик балосидан қутулишим керак, ёки... Йўқ, мен қандай бўлмасин ҳаётимни янгидан бошлашим керак!»

● Донолар бисотидан

ИБН СИНО ЎГИТЛАРИ

● Маст кишидан ақл, ҳаё ва сабр кетади. Модомики, инсон шулардан ажралар экан, одамгарчиликдан чиқади.

● Шароб — заҳарларнинг бири. Агар узоқ оч юрган киши овқат ва ичкиликлардан ҳаддан ташқари истеъмол қилса, уларнинг ҳаммаси заҳар бўлади.

● Шароб ичган кишининг хурсандчилиги ошади, ҳатто уни ўз-ўзидан севинаяпти, деб ўйлайдилар, ҳолбуки бундай эмас. Чунки бирон нарсада таъсир этувчисиз бир асарнинг юз бериши мумкин эмас.

● Мастлик вақтида рутубатланиш ортади, натижада нафсоний қувватлар ақлга бўйсунмайди, шу билан бирга мияга мавжланиб кўтарилувчи буғлар билан аралашиб ҳаракати ортади.

● Ичган киши сабабсиз севинади деб ўйлаш беҳуда фикрдир.

● Мияси кучсиз киши тез маст бўлади.

● САРХУШЛАР БИЛАН КЎРИШГАНДА

АЗОБИ ЁМОН

— Хотинжон, бу овқатингни кўриб анави нарсани қўмсаб қолдим, —деди эри ароққа ишора қилиб, — юз грамм бўлса икковимиз йиғлашиб кўришардик-да.

— Қўйинг, —деди хотинининг энсаси қотиб, —овқат билан йиғлаб кўришадиган ароқдан ўлсам ўлиб бўлдим, улар йиғлаб кўришади-ю, азоби мен тортаман.

МАСТНИНГ ҚАЙТИШИ

— Тўйдан қай пайтда қайтиб келдингиз? —деди ён қўшни кўп ичиб қўйдиган ошнасидан.

— Ўзим ҳам билмадим, ишқилиб уйгонсам ҳайтовур уйда ётибман.

БЕҲУДА ЎПКАЛАШ

Ширакайф Сайфи ҳушёр дўсти Мирзага ҳасрат қилиб қолди:

— Бир эмас, уч врачга бордим... Врачлар аввало яхшилаб ўқиб келишсин...

— Нега унақа дейсиз?

— ажабланиб сўради дўсти.

— Э, бири ичкилик юракка таъсир қилади дейди, иккинчиси жигарга зарар қилади, дейди. Учинчиси эса наслга бузилади, деб маслаҳат беради. Кўрдингми, уч-учовининг гапи... уч... у... хил.

— Врач, ичкилик миядаги таъсир қилади, демадимми!

— Уни опоқингиз айтди.

— Нима дедилар!

— «Бадмаст девона» деб хайрлашиб кетиб қолди— дея кўзига ёш олди ширакайф.

— Ҳа, ана, гапимни инсонларнинг хотинингиз айтибди-да, — деди Мирза дўсти Сайфига.

Зикрилла ЭГАМБЕРДИЕВ, медицина фанлари кандидати.

● БИЛАСИЗМИ?

АЛКОГОЛЬ—КОНИ ЗИЁН

● Спиртли ичимликлар организм аъзолари системаларига катта зарар етказади. Сурункали ичадиган одамларда дастлаб меъда ширасининг кислоталиги ошиб кетади. Узоқ муддат ичиб юрганларда эса меъда ширасининг кислоталиги камайиб бутунлай йўқолади. Сурункали ичкиликбозларда рак, меъда яраси кўпроқ учрайди.

● Спиртли ичимлик буйракни ишдан чиқаради, уни бужмайтириб юборади. Агар бу хавфли касалликнинг олди олинмаса фожиа билан тугаши мумкин.

● Ичкиликка ружу қўйганларга сил касаллиги тез юқади. Чунки уларда организмнинг қаршилик кучи сусайиб кетади. Силга йўлиққан ичкиликбоз аёлларда эса туғатиб бўлмайдиган асоратлар пайдо бўлади.


● Алкоголь нафас йўлларига ёмон таъсир этади. Ичкилик ўпканинг қон билан таъминланишини сусайтиради. Турли инфекцияларнинг ривожланишига шароит яратади.

ВИНОНИНГ ЗАРАРИ

Аниқ маълумотларга қараганда Францияда жигар касаллиги Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатларидагига қараганда беш марта кўп тарқалган. Француз врачларининг фикрича, бу хасталикка винони ҳаддан ташқари суиистеъмол қилиш сабаб бўлган.



Ароқ билан бўлди улфат,
Жарга қулаб топди кулфат!



Бадмаст кўзи сузилар,
Маҳсулотни бузилар.

А. Ҳакимов ва Б. Бойметов чизган расмлар.

СУНГГИ ТО КОЛОНКА

● ВЕРТОЛЁТДА... НИКОҲДАН ЎТИШГА КЕЛИШДИ

Варшавада истиқомат қиладиган 23 ёшли Дорота Кужима ва 30 ёшли Аркадиуш Ватолалар ўзларининг никоҳдан ўтиш маросимларини анча антиқа тарзда ўтказдилар: келин-куёв ва уларга гувоҳ бўлган кишилар никоҳ қайд қилинадиган махсус жойга вертолётдан парашютда сакраб тушдилар.

● КАМТАРЛИКДА РИСОЛАДАГИДЕК

Бельгиянинг унчалик катта бўлмаган Мелебеке деган шаҳарчасида истиқомат қилган бир савдогар 1857 йили 20 минг фунт стерлингни маҳаллий мунициплитет қарори бўйича «рисолададагидек» деб топилган қизга бершларини васият қилиб қолдирган эди. Шу кунга қадар ана шу меросга бирор марта бўлса-да даъвогар чиқмади. Мелебеке шаҳри маъмурлари вакилининг фикрича, «бу деган гап табиатан ана шундай қизлар йўқ экан, деган маънони асло англатмайди. Умуман қизлар ўзларига ҳаддан ташқари танқидий нуқтаи назардан ёндошадилар, холос».

● АГАР АЁЛ ИШЛАМАСА

Инглиз юристи Южин Рольфнинг фикрича, хотинининг ишлатмайдиган, яъни уй бекаси бўлган ва ҳатто биттагина боласи бўлган эркак рафиқасига ҳафтасига 250 фунстерлинг... тўлаши керак эмиш. Бундай аёл кунига ўртача олиб ҳисоблаганда 134 минут вақтини овқат тайёрлашга, 79 минутини официантликка, 121 минутини фаррошликка, 42 минутини кир ювувчиликка, 63 минутини кийим тикишга сарфлар экан. Ўқам деганда 45 минут вақтини тарбиячилик, 44 минутини эса ўқитувчилик ишларини бажаришга кетказар экан. Айтилганларга яна шуларни ҳам қўшиб қўйинг: уй бекаси кунига 3 минут вақтини медицина ҳамширасини бажарадиган юмушга, 18 минутини уй экономистлигига ва 65 минут вақтини хизматкорликка сарфлар экан. Шуни таъкидлаш керакки, уй бекаси дам олиш кунисиз меҳнат қилар экан ва унга якшанба кунлари учун икки баравар ҳажмда ҳақ тўланиши керак экан...

● ОТАСИНИ ҲАЙДАГАН ЎҒИЛ

58 ёшли америкалик ғишт терувчи Джо Фогетт ишсизлиги бўйича нафақа тўлашларини сўраб мурожаат қилишга мажбур бўлди. Бу воқеанинг бир жиҳатини ҳисобга олмаганда унга ҳеч ажабланмаса ҳам бўлардик. Ҳамма гап шундаки, Фогеттни ишдан ҳайдаб юборган қурилиш компанияси унинг... ўғлига қарашлиқдир. «Бундай ишга қўл урмаганга ҳаддан ташқари оғир бўлди,— деди 24 ёшли компания эгаси АП ахборот агентлиги мухбирига. — Лекин менда бошқа ҳеч қандай илож қолмаганди. Мен уни қўлда бошқа сақлаб туролмас эдим». Нима ҳам дердик: бу ерда шарҳга ҳожатнинг ўзи борми?

● ЖАРИМА ТЎЛАШ БЎЙИЧА РЕКОРДЧИ

Бразилия матбуоти Дуглас Калилни «рекордчи» деб атади. Ҳўш, у «мамлакат чемпиони»лиги унвонига спортнинг қайси турни бўйича сазовор бўлди! Автоҳаваскорларнинг ютуқларини спорт ҳакамлари эмас, балки... полиция қайд қилди. Ярим йил ичида у ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини тўқсон марта қўпол равишда бузди. Автомобиль инспекцияси томонидан унга солинган жарима миқдори жуда катта суммани ташкил этади.

● ХОТИНИНИ КИМЛАР КЎПРОҚ УРАДИ!

Америкалик эркаклар бу борада ўзига хос «биринчилик»ни эгаллашар экан: улар бошқа мамлакатлардаги эркакларга қараганда оилавий низолар пайтида тез-тез мушт тушириб қолар эканлар. Ўтган йилнинг ўзида икки миллион америкалик аёлдан шу хусусда шикоят тушган. Статистиканинг гувоҳлик беришича врачлар, полициячилар ва адвокатлар ўз хотинларини ҳаммадан ҳам кўп, роқ урар эканлар.

„ТО" спорт ҳафтаси

ТОШКЕНТ—ОЛМАОТА ШАХМАТ МАТЧИ

„Дўстлик" матчи

● Сиртқи «Дўстлик» шахмат матчида 1:0 ҳисобида тошкентликлар олдинда боришмоқда. Ғалабада сизнинг ҳам ҳиссангиз бор.

● Иккинчи тахтада вазият кескинлашди. Ҳар бир юриш учрашув тақдирини ҳал қилиши мумкин.

● Олмаоталиклар яна танаффус олишди.

Ўтган пайшанба куни, яъни 16 майда «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» ва «Вечерняя Алма-Ата» газетхонларининг сиртқи шахмат матчида ўттиз иккинчи юриш эълон қилинган эди. Бу сафар мухлисларнинг фикри икки хил бўлди. Баъзилар f катагида турган оқ пиёданни f4 катагига суриш керак, баъзилар эса e3 катагида турган фил билан c5 катагидаги қора филни уриш керак, деган фикрни айтишди. Пиёдани суриш оқларнинг бир сипоҳини қурбон қилиш билан боғлиқ бўлганлиги учун фил билан қора филни уриш мақсадга мувофиқ деб топилди. Вазият кескинлашганлиги учун олмаоталик шахмат мухлислари яна танаффус олишди. Уларнинг жавоб юриши келгуси чоршанба куни эълон қилинади.

Ҳурматли шахмат мухлислари! Олмаоталиклар ўзларингизнинг 32-юришларингизга қандай юриш билан жавоб беришлари мумкин, деб ўйлайсиз. Бу ҳақда фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз.



Ўз таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги адресга йўлланг: 700047, Тошкент шаҳри, ГСП, Ленинград кўчаси, 32, «Тошкент оқшоми» («Дўстлик матчи)га. Таклифларингизни 32-55-32, 33-08-74 телефонлари орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.



АКАДЕМИАДА ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида анъанавий XXIV спорт мусобақалари ўтказилди. Академияда деб номланган бу баҳсларда коллективлар спортнинг ўн турида бўйича ғолибларни аниқладилар. Шунинг диққатга сазоворки, ғолиблик учун бўлган курашда спортнинг у ёки бу турн бўйича эндигина малака ҳосил қилаётган ходимлардан тортиб спорт мастерлигигача кандидатлар ва спорт мастерлари ҳам иштирок этишди.

Умумий якунда энг кўп очко тўплаган, алоҳида кафедрадан фақат бир очко тўплаган ядро физкультура институтининг спортчилари эса иккинчи ўринни эгаллашди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси энергетика ва автоматика институтининг вакиллари эса учинчи совриндор бўлди. Агар ғолиблик учун 30 команда баҳс олиб борганлигини ҳисобга олсак, муваффақиятнинг иккинчи салмоғи яққол кўзга ташланади.

Шахсий ва команда ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган ва совринли ўринларни қўлга киритганларга фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар топширилди.

«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқарши бирлашмасида жисмоний тарбиянн оммалаштириш ишларн яхши йўлга қўйилган. Корхона спорт комплексидаги 13 соғломлаштириш тўгарагида мунтазам машқлар ўтказилмоқда. Ҳар уч ишчидан бири қишки ва ёзги спартакиадада иштирок этмоқда. Умуман бу беллашувларда 2.500 киши иштирок этяпти.

СУРАТДА: енгил атлетика эстафетаси ғолибларн бўлган 19-цех ишчилари стартда.

Ф. Қурбонбоев фотоси.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

22 МАЙ. 1985 й.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИДА

ДАМ ОЛИШ КУНИ ЛЕКТОРИЙСИ

«ЖАҲОН МУЗЕЙЛАРИ ДУРДОНАЛАРИ» ЦИКЛИДАН

ЛЕКЦИЯЛАР

26 май — ЛУВР (Европа живописи).
2 июнь — ДАВЛАТ ЭРМИТАЖИ.
9 июнь — ТРЕТЬЯКОВ ГАЛЕРЕЯСИ.
16 июнь — ДРЕЗДЕН ГАЛЕРЕЯСИ.
23 июнь — ИСПАНИЯ ПРАДО МУЗЕЙИ.

Лекцияларни музейнинг илмий ходимлари ўқийдилар, суҳбатлар давомида диапозитивлар намойиш этилади.

ЛЕКЦИЯЛАР СОАТ 12.00 ДА БОШЛАНАДИ.

Музей адреси: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 16-уй, маълумотлар учун телефон 32-73-45.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

25 МАЙДАН 9 ИЮНГАЧА

«МУЗ УСТИДА БАЛЕТ»

Н. Островский номидаги Республика мукофоти лауреати

КИЕВ БАДИИЙ —СПОРТ АНСАМБЛИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

«БИЗ УКРАИНАДАНМИЗ» ПРОГРАММАСИДА — БАЛЕТ, РЕВЮ, СПОРТ, ЮМОР, АКРОБАТИКА, БОШҚА ХИЛ ТОМОШАЛАР.

Томошаларда Халқаро класслардаги спорт лауреатлари, СССР спорт мастерлари, СССР биринчиликлари совриндорлари, Жаҳон ва Европа биринчиликлари, Олимпиада ўйинларни иштирокчилари, Украина ССРда хизмат кўрсатган артистлар қатнашадилар.

Бадиий раҳбар ва бош балетмейстер —Украина ССРда хизмат кўрсатган артист Федор ФЕДОТОВ.

Саҳналаштирувчи-балетмейстер — Украина ССРда хизмат кўрсатган артист Елена ГОДНИЧАК.

ТОМОШАЛАР: 25, 26 май, 1, 2, 8, 9 июнда 17.00 ва 20.00 да; 28, 29, 30 май, 4, 5, 6, 7 июнда 20.00 да БОШЛАНАДИ.

БИЛЕТЛАР «ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИ КАССАЛАРИДА ВА ЯККА ВАКИЛЛАР ТОМОНИДАН СОТИЛМОҚДА.

Кассалар ҳар куни соат 12.00 дан 20.00 гача ишлайди.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қуйидаги телефонлар орқали маълумотлар олиш мумкин: касса — 65-03-12, 46-70-71; администратор — 46-07-53, 46-68-77.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

АҲОЛИГА ВА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИГА «СОЮЗПЕЧАТЬ» ЙЎЛИ БИЛАН ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАДАНИЯТИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ, ХИЗМАТНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДЛАРИДА УШБУ АНКЕТАНИ ҚУЙИДАГИ ФОРМАГА БИНОАН ТЎЛДИРИБ ЖЎНАТИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ:

Ф. И. О. И. _____

_____

Уй адреси _____

_____

Телефон № _____

Сиз хизматидан фойдаланаётган «Союзпечать» киоскасининг № _____

Киосканинг иш режими сизга маъқулми? (ҳа, йўқ) _____

Эрталаб соат 8.30 минутгача киоскада янги газеталар бўладими? (ҳа, йўқ) _____

Мазкур киоскадаги «Союзпечать» буюмлари ассортименти сизни қаноатлантирадими? (ҳа, йўқ) _____

Киосканинг ишдаги фаолиятига сизда эътирозлар борми? (ҳа, йўқ) _____

Сиз «Союзпечать» киоскаси орқали хизматнинг яна қандай турларидан баҳраманд бўлишни хоҳлардингиз?

_____

_____

Сиз «Тошкент оқшоми» газетасини у босилиб чиққан куниёқ сотиб оласизми? _____

_____

Жавобларингизни қуйидаги адресга йўллашингизни сўраймиз: Тошкент шаҳар, Широкий кўчаси, 2-уй, Тошкент шаҳар «Союзпечать» агентлиги.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1985-86 ўқув йили учун

КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМГА

қуйидаги ихтисослар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ИНГЛИЗ ТИЛИ, НЕМИС ТИЛИ, ФРАНЦУЗ ТИЛИ.

Ҳамма бўлимларда ўқиш муддати — 5 йил.

КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИҲОН ТОПШИРАДИЛАР: она тили ва адабиёт (ёзма ва оғзаки), **чет тили** (оғзаки), **СССР тарихи** (оғзаки).

Институт ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), характеристика-йўлланма, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, 3х4 см, ҳажмдаги 6 дона фотосурат, 086/У формадаги медицина справкаси.

Паспорт ва ҳарбий ҳужжатлар шахсан кўрсатилади.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР 1 ИЮНГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари — 1-20 июнь кунлари ўтказилади.

Мурожаат учун адрес: 700020, Тошкент шаҳри, 20-алоқа бўлими, Навоий кўчаси, 48-уй.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг савдо Бош бошқармасига қарашли

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

контролёр-кассирлар тайёрловчи

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ва озиқ-овқат моллари кичик сотувчиларини тайёрловчи

4 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқишга 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган, 8-10-синф маълумотидаги Тошкент шаҳрида пропискада турувчи ёшлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади. Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Ўқувчилар айни бир вақтнинг ўзида кечки мактабда ёки савдо билим юртида ўқишлари мумкин.

«Ёшлик» мактаб-магазинини битирганларга йирик магазинларда ишлаш учун йўлланма берилади. Улар совет савдоси техникумининг кечки бўлимига ўқишга киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (1, 2, 5, 8, 9, 24, 26, 10-трамвайларнинг; 2, 3 22, 55, 80, 161-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати).

Справкалар учун телефон 55-75-15.



«О-65»

сизнинг хизматингизда

СИЗ АНА ШУ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИБ, МАИШИЙ ХИЗМАТ УСТАХОНАЛАРИ КЎРСАТАДИГАН ХИЗМАТНИНГ ИШ СОАТЛАРИ ВА НОМЛАРИНИ БИЛИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари, кийим-кечаклар тикиш ательелари, маиший-техника, телевизор ремонти бўйича устахоналар, теле ва радиотелеательелар, кир ювиш устахоналари, сартарошхоналар, химчистка, прокат пунктлари

ХАЙРЛИ ХИЗМАТ БЮРОСИ

сизнинг кичкинтойларингизни парвариш қилиш учун энагалар топишга,

квартираларни ораста қилиш, шаҳримизга келган меҳмонларни эса квартираларга жойлаштиришга ёрдам беради.

«065» ХИЗМАТИ

сизнинг хоҳишингизга кўра якка тартибда хизмат кўрсатиш юзасидан сиз билан шартномалар тузади.

Бундай ҳолда сиз бутун йил мобайнида сизни қизиқтирган барча масалалар бўйича янада тўла ахборотлар олишингиз мумкин.

ШАРТНОМА ТУЗИШ ЮЗАСИДАН «065» ТЕЛЕФОНИ ОРҚАЛИ ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ.

Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг «065» справка-ахборот хизмати қуйидаги адресда жойлашган: Тошкент шаҳри, 1-Май кўчаси, 1-уй.

«ТАШГОРПРОКАТРАЗНОБИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (телефон 77-84-77).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИНИНГ

23-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Трамвай вагонларининг учинчи класс ҳайдовчиси, троллейбус машиналарининг 3-класс ҳайдовчиси, контакт ва кабель тармоқлари ремонти ва улардан фойдаланиш электр монтери, тортиш подстанцияларини ремонт қилиш ва улардан фойдаланиш электромонтери, трамвай вагонлари ва троллейбусларнинг электр асбоб-ускуналари ва радиоаппаратураларини ремонт қилувчи электромеханик, линия хизмати диспетчер-ревизори, ўқиш муддати — 5-6 ой;

ЎҚИШГА СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДА ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ЎТАБ ҚАЙТГАН КИШИЛАР, ШУНИНГДЕ 18 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқишга қабул қилинганларга 75 сўм стипендия тўланади. Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

8-СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИЛАР УЧУН:

тортиш подстанцияларининг диспетчери, трамвайлар ва троллейбусларни ремонт қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш механиги, трамвайлар ва троллейбусларнинг электр ва радиоаппаратураларини ремонт қилувчи электромеханик, тортиш подстанцияларини ремонт қилиш ва улардан фойдаланиш электромеханиги, енгил автомобиллар, юк автомашиналари ва бошқа ихтисослашган машиналарни (давлат таъминотида туради) ремонт қилувчи автослесарь. Ўқиш муддати —3 йил;

10-СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИЛАР УЧУН:

трамвай вагонларининг 3-класс ҳайдовчилари, троллейбус машиналарининг 3-класс ҳайдовчиси, тортиш подстанцияларининг диспетчери, тортиш подстанцияларини ремонт қилувчи ва улардан фойдаланувчи электромонтер, автослесарь, контакт ва кабель тармоғини ремонт қилувчи ва ундан фойдаланувчи электромонтер, линия хизмати диспетчер-ревизори (ойига 30 сўм стипендия тўланади). Ўқиш муддати—10 ой.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхона берилади ва шаҳар пропискасидан ўтказилади, улар Тошкент шаҳрида трамвай ва троллейбусларда бепул юрадилар.

Билим юрти қошида турли тўгараклар, ишчи-ёшлар мактаби фаолият кўрсатмоқда.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри Куйбишев райони, Красновосточний кўчаси, 3-«а» уй (1, 17«з» автобуслар; 6, 13, 22-трамвайлар; 18-троллейбуснинг «Красновосточное» депоси» бекати). Телефон 62-34-57.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

КИРОВ РАЙОНИДАГИ ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

Тикувчи-мотористқалар, газмол тўшовчилар, майдаловчилар.

«ЭНЕРГОМОНТАЖ»нинг 93-ТРЕСТИ БЎЛИНМАЛАРИГА

Слесарь-монтажчилар, газ-электр пайвандчилар, электр пайвандчилар.

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ-РЕМОНТ ЗАВОДИГА

Слесарлар, токарлар, стропальщиклар, қолипловчилар, деҳқончилик билан шуғулланувчилар, электр кўприк кранларининг кранчилари, юк ташувчилар.

Елғиз кишиларга ётоқхона берилади.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИДАГИ САВДО ТАШКИЛОТЛАРИГА

Сотувчилар, кассир-контролёрлар.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

Слесарь-асбобсозлар, слесарь-йиғувчилар, металл конструкцияларни тайёрловчилар, кўприк кранларининг кранчилари, токарлар, электриклар, асбоб-ускуналар бўйича слесарлар, инженер-конструкторлар, инженер-электрик, инженер-технолог, нессиқлик инженер-техниги.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА:

моддий-техника таъминоти бўлимига инженер-конструкторлар, тоғ инженери, экономист, таъминотчи, лойиҳа-конструкторлик бўлимининг бошлиғи, стенографистка-машинистка.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА

Электр слесарлар, электр обмоткачилар, токарлар, фрезерчилар, механика йиғув ишлари слесарлари.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ— Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси 64-уй;
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй;
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ— 2-квартал, 3-уй;
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ— М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй;
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 50-уй;
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ— Энгельс кўчаси, 48-уй;
СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ —Қорасарой кўчаси 270-уй;
АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ —Чилонзор массиви, 22- квартал, 13-уй;
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 69-уй.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 22/V да **Бир актли балетлар кечаси.**

кино

22 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИР САҚЛАГАН ОДАМ» — **Чайка** (18.30, 21.00; телефон 77-06-20), **Нукус** (18.30, 20.45; телефон 46-70-69).

«ҚОРА КАЛХАТ» —**ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 78-47-25).

«ЖАННАТДАН ИККИ ҚАДАМ НАРИДА»— **Тинчлик** (тоқ соатларда), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-24-02), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ҚИШЛОҚИ ҚИЗ»—**Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«БЕҒАРАЗ» — **Фестиваль** (21.30, телефон 32-78-02).

«ДИСКО РАҚҚОСИ» (2 серияли) — **Хива** (21.30).

«ПРОХИНДИАДА ЕКИ ТУРГАН ЖОЙДА ЮГУРИШ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92).

«ГИТАРАЛИ ҚАЛЛОБ» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда).

«СЕВГИ АФСОНАСИ» — **С. Раҳимов номли** (18.30, 21.00; телефон 48-46-71).

23 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИР САҚЛАГАН ОДАМ» (2 серияли)—**Чайка** (16, 18.30, 21.00; телефон 77-06-20), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 46-70-69).

«СОЯГА ТУРМУШГА ЧИҚДИМ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ЖАННАТДАН ИККИ ҚАДАМ НАРИДА» — **Тинчлик** (тоқ соатларда).

«БЕҒАРАЗ» —**Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Фестиваль** (21.30, телефон 32-78-02).

«ДИСКО РАҚҚОСИ»—**Хива** (21.30).

«УЛЬЗАНА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ПРОХИНДИАДА ЕКИ ТУРГАН ЖОЙДА ЮГУРИШ» —**Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92).

«ГИТАРАЛИ ҚАЛЛОБ» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«СЕВГИ АФСОНАСИ» (2-серияли) — **С. Раҳимов номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 48-46-71).

Ф. ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ РЕСПУБЛИКА МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

23, 24, 25 майда соат 15.00 дан 18.00 гача

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ УТКАЗАДИ

Адрес: Тошкент шаҳри, Барнаул кўчаси, 9-уй (10, 44, 48, 56, 88, 107, 108-автобуслар; 2, 7, 10-троллейбуслар; 10, 23 27-трамвайларда борилади).

ДИҚҚАТ!

2-ЛОМБАРД (Глинка кўчаси, 13-уй).

ТУГАТИЛИШИ ВА УЗАЙТИРИЛГАН МУДДАТ БИЛАН ТОПШИРИЛГАН АСЛ НАВЛИ МЕТАЛЛ БУЮМЛАР «ГЛАВЮВЕЛИРТОРГ»НИНГ МАРКАЗИЙ ОЛДИ-СОТДИ БАЗАСИГА ЮБОРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

1984 ва 1985 йилларда гаровга қўйилган буюмлар

1-ЛОМБАРДДАН

25 МАЙГАЧА ҚАЙТА СОТИБ ОЛИНИШИ СЎРАЛАДИ.

Кўрсатилган муддат ўтганидан кейин даъволар қабул қилинмайди.

Адрес: **12-ломбард** —Олмазор массиви, Фурқат кўчаси, 14-уй; **3-ломбард** — Юнусобод массиви, В-4 квартали, 8-уй;

Ломбардниг иш тартиби соат 9.30 дан 18.30 га қадар, танаффус —13.00 дан 14.00 гача.

ЯКШАНБА ВА ДУШАНБА ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЛОМБАРДЛАР БИРЛАШМАСИ.

ТВ

Чоршанба

22 МАЙ

● МТ I

18.35 «Фан ва турмуш».
19.05 «Фожиа бўлмаслиги мумкин эди». Алкологизмнинг зарари ҳақида илмий-оммабоп фильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Нима эканг....» Мультфильм премьераси.
19.40 «Дунё воқеалари».
20.20 «Кузги шудринглар». Телевизион бадиий фильм-премьераси. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз». Поэзия. А. Сурков.
22.30 Тинчлик велопойгаси. ГДР. дан олиб кўрсатилади.
22.50 «Менинг қўшиғим». Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист. Р. Римбаева иштирокида фильм-концерт премьераси.
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 Ҳалқа йўл бўйлаб «Социалистик мамлакатлар дўстлиги кубоги» автопойгаси халқаро мусобақалари. Ригадан олиб кўрсатилади.
19.15 «Травкинга ким эргашади?» Қурилишда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасини такомиллаштириш ҳақида 1-кўрсатув.
19.45 Бутуниттифоқ ва халқаро конкурслар лауреати С. Найко чалади (баян).
20.00 «Инсон ва қонун».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Советский спорт» киножурнали.
21.00 «Музикали киоск».
21.30 «Время».
22.05 «Юқори проба». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
23.10 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тбилиси) —«Арарат».

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Қушлар байрами». Мультфильм.
18.25 Глиэр номидаги музика мактаб-интернати ўзбек халқ чолғулари оркестрининг концерти.
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Помир» (Душанба). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.).
20.50 «Ахборот».
21.10 «Зулфия қўшиқлари».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Пойтахтимиз меҳмонлари». Халқлар Дўстлиги орденли В. Маяковский номли Душанба рус Давлат драма театри.
23.35 Янгиликлар.

● УзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Улкан ғалла хирмонига йўл». Ҳужжатли фильм.
18.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг».
19.10 Ўқитувчи экрани. Химия ўқитувчиларининг илғор иш тажрибаси.
19.45 Реклама.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Экранда М. А. Шолохов». Кинокўрсатув

Пайшанба

23 МАЙ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильмлар: «Крембрюле», «Бола ва булут», «Қайиқча».
10.10 «Саёҳатчилар клуби».
11.10 «Кузги шудринглар». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
12.15 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Бизнинг замондошимиз». Ҳужжатли фильмлар.
16.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
16.45 «Ўшанда, 45-йилда». Ҳужжатли фильм премьераси.
17.55 Ҳиндистон артистлари ижро этади.
18.40 «Миллионлар ленинча университети». «Меҳнат —жамият— инсон».
19.10 «Дунё воқеалари».
19.25 «Москвичка» телеклуби.
20.25 «Михаил Шолохов». Ҳужжатли фильм.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР кубоги. Ярим финаллар. «Динамо» (Киев) —«Искра» (Смоленск), «Шахтёр» —«Зенит». Танаффус пайтида (22.45)— «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Сув жозибаси». Телевизион ҳужжатли фильм.
9.35, 10.45 Табиатшунослик. 4-синф. Ҳайвонларнинг хилма-хиллиги.
9.55 «Ҳамма гап баландликда». Илмий оммабоп фильм. Студент қурилиш отрядларида техника хавфсизлиги қоидаларга риоя қилиш ҳақида.
10.15, 13.40 Испан тили.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. В. В. Маяковский. «Мен кашф этган Америка».
11.35, 12.45 Зоология, 7-синф-Дарвиннинг эволюцион таълимоти.
12.00 «Йўл йўқ жойда». Илмий-оммабоп фильм.
12.15 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
13.10 «Кураш ва норозилик қўшиқлари».
14.10 «Сенинг ленинча кутубхонанг». В. И. Ленин. «Ёшлар союзларининг вазифалари».
14.50 «Мимино» Бадиий фильм, субтитр билан.
16.20 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Травкин сабоқлари». 2-кўрсатув.
19.20 «Экранда — Сибирь». Киножурнал.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Шахмат мактаби».
21.15 «Днестр» халқ ансамбли ижро этади.
21.30 «Время».
22.00 «Юқори проба». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.

● УзТВ I


10.00 «Ахборот».
10.20 Рус тили. Биз нимани ўрганамиз?
10.50 Мактаб ўқувчилари учун, «Гўзаллик оламига саёҳат» (такрорий).
11.30 Ўзбекистон ССР тарихи. Ўзбекистон — социализмнинг Шарқдаги машъалидир.
12.00 «Болалар». Телефильм.
12.30 Ўзбекистон ССР тарихи. Ўзбекистон — социализмнинг Шарқдаги машъалидир (рус.).
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан, бир асалари бўлган экан...» Мультфильм.
18.30 «Ўзбекистон матлубот кооперацияси системасида агросаноат интеграциясининг ривожланиши».
19.00 «Ҳаёт каби тирик».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Театр учрашувлари». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг «Маршал Жуков» спектакли ҳақида.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси халқ чолғулари оркестрининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Пилла — бойлигимиз».
22.20 «Икки Фёдор». Бадиий фильм (рус.).
23.45 Янгиликлар.

● УзТВ II

18.20 Кўрсатувлар программаси.
18.25 «Юз йиллар оша куприклар». Ҳужжатли фильм.
18.35 «Ашаддий душман». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Ноқоратупроқ дони». Ҳужжатли фильм.
20.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали олдидан. «Фестиваль йўлларидан» (такрорий).

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

22 МАЙ, 1985 й.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02: бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—13768. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.